Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1990 йил 22 март
ПАЙШАНБА
№ 68 (4.862).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

БАҲОР КЕЛДИ СЕПИНИ ЁЙИБ

Нафис яшил либосга бурканиб, ял-ял ёниб ўлкамизга гўзал баҳор кириб келмоқда. Қиш уйқусидан уйғонган табиат кун билан тун баравар бўладиган кунга ўзига оро бериб кириб келди. Бу гал баҳорнинг ташриф буюришидан Наврўз байрами дарак берди. Қадимий халқ байрамини унутиб юборишга ҳаракат қилишганди. Бироқ кишилар хотираси ва уларнинг кундалик ҳаётидан қалбларга яқин бўлган, турмуш тарзимизнинг ажралмас қисмига айланган нарсаларни чиқариб ташлаш мумкин эмас. 21 март куни республикамизда дам олиш куни деб эълон қилинди. Ана шу кун қандай ўтди, қандай воқеаларга бой бўлди, нималар билан ҳурсанд қилди — Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбирлари шу ҳақда хабар қиладилар.

ТОШКЕНТ. Чиройли миллий либос кийиб олган бир гуруҳ чавандозлар Хадра майдонидан СССР Халқлари дўстлиги майдони томон ўтдилар. Улар кетидан туялар карвони виқор билан изма-из борарди. Бу туяларда ҳинд, араб, хитой либосларини кийиб олган кишилар ўтиришарди. Қачонлардир мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларни бошлаб берган қадимий йўл — буюк ипак йўли сўқмоқлари бўйлаб карвонлар худди шундай ўтган. Бугун ҳам, худди қадимда бўлганидек турли миллат вакиллари— ўзбеклар ва руслар, татарлар ва корейслар, арманлар, тожиклар, қозоқлар... қўлни-қўлга бериб биргаликда байрамга чиқдилар. Чиройли кийиниб олган ўғил ва қизлари нуроний отахонларга баҳор гулларини тақдим этишди. Қарияларимиз шундан кейин байрам бошланишига оқ йўл тилашди, 200 доирачининг чилдирмалари тараташётган шўхчанг оҳанглар теварак атрофда ҳаволанди.

Халқлар дўстлиги майдони, Карл Маркс кўчасининг пиёда юриладиган ери ва Навоий кўчасидаги шоирлар ҳиёбони байрамнинг асосий марказларига айланди. Лекин Наврўзнинг чегараси бу билан чекланмади: маҳаллалар ва истиқомат жойларида, майдонлар ва хиёбонларда, боғлар ва кўчаларда санъаткорлар ҳамда ҳаваскор артистлар концерт беришди, дорбозлар чаққонликларини намойиш этишди, масхарабоз-қизиқчилар санъатидан кўпчилик завқланди; аскиячилар ҳозиржавобликда мусобақалашдилар. Байрам дастурхони тўкин-сочин, турли таомлар билан безатилган эди — шаҳар умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари кўпдан-кўп қадимий таомларни тайёрлаган эдилар. Шу куни йигирма хилга яқин палов хўрандаларга таклиф этилди.

— Биласизми, мени бугун уйдан чиқманг деб огоҳлантиришганди, лекин ҳаммаси миш-миш бўлиб чиқди, — дейди шаҳар автокорхоналаридан бирининг ходими Д. Цецхладзе. — Кимдир байрамимизни бузишни, ўртада нифоқ чиқаришни хоҳлаганга ўхшайди. Мен грузинман, хотиним эса грек, руслар, ўзбеклар, тожиклар, корейслардан дўстларим бор. Бугун қаерга қараманг самимийлик, қувонч, ҳақиқий дўстлик ҳукмрон. Мана ўзингиз кўриб турибсиз, дўстларимиз билан айвонда ўтириб бир пиёла хушбўй чой ичиб суҳбатлашаяпмиз. Бизга бундай байрамлар жуда керак — маза қилиб дам оласан, қалбинг ҳам тинч, роҳатланасан, ўзингни ягона аҳил оилада ҳис қиласан.

Редакциямизда телефон жиринглаб қолди — Болгариядан сим қоқишаётган экан. «Мен Георгий Атанасовман, Пловдивдан бўламан, деган товуш эшитилди. Мана 25 йилдай бери «Правда Востока» газетасига обунаман. Ана шу газетада Наврўз ҳақидаги мақолани ўқиб қувониб кетдим: бундай ажойиб кўҳна байрам тикланганлиги қандай зўр бўлибди. Барча ўзбекистонликларга менинг оташин саломимни етказинг».

Эндигина суҳбатни тугатган эдик, телетайплар ишга тушди — Қорақалпоғистондан хабар келаётган эди.

* * *

НУКУС. Автоном республика давлат санъат музейи ўлкамизнинг турли ерларидан бу ерга келган халқ ижодиётини кўз қорачиғидек асраётган кишиларнинг мусобақа майдонига айланди. Ана шу мусобақани ўз асарларини мусиқа жўрлигисиз ижро этадиган қиссахонбахшилар бошлаб бердилар. Бу ерда кегайлилик Муятдин Мавлонқуловга тенг келадигани бўлмади. «Қиз-йигитлар айтишуви» мусобақасида Чимбойдан келган «Бесперде» этнографик халқ ижодиёти ансамбли энг яхши ансамбль бўлиб чиқди. Бир замонлар машҳур бахшн Ажиниёз тараннум этган «Таъриф» деб аталган ҳозиржавоблик кўриги бу ерда яна дунёга келди. Мўйноқда топилган «кўк кўйлак» ана шу мусобақанинг мавзуи бўлди, бундай кўйлакни қизлар одатда тўй арафасида ўзларига тикадилар. 89 ёшли Насибали опа музейга ана шу ягона кўйлакни совға қилди. «Таъриф» конкурсида нукуслик ёш шоира Гулнора Нурлепесова ғолиб чиқди. «Қора терим» насос станциясининг инженери, тахтакўпирлик Жуманазар Абутов аския йўсинига яқин бўлган энг зўр ақл-заковат талаб қилинадиган лаккада ўзини кўрсатиб, ҳаммани қойил қолдирди. Фольклорчиларнинг яна бир топилмаси — «Гегр Бекший» қўшиқчилик йўсини ҳам қайта тикланди. Бунда овозни ўзига хос усулда ўзгартириш йўли билан асарни ижро этиш катта маҳорат саналади.

Нукус шаҳрининг марказида ўтказилган жирловчилар, бахшилар ва шоирлар мушоираси — «Наврўз гулдастаси»га жуда кўп одам тўпланди. Санъат усталарининг мусобақалари терма концертга айланиб кетди. Бердақ номли филармония артистлари, Станиславский номли мусиқа театрининг актёрлари, «Ойқулаш», «Мухаллес», «Арулар», «Ҳурлимон», «Қирқ қиз» ансамбллари, Ҳожиниёзов номли ёш томошабинлар театрининг санъаткорлари, «Орзу» ва «Шарқ» вокал-чалғу ансамбллари ўзларининг янги қўшиқлари ва рақслари билан бу ерга келган одамларни ҳурсанд қилишди. Ҳар бир маҳалланинг моҳир пазандалари халқлар дўстлиги ҳиёбонига ўзлари тайёрлаган таомларни олиб чиқишди.

* * *

БУХОРО. Бугунги байрам нашидаси яққолроқ кўринсин учун ўтмишни эслаб бир қиёс қилайлик. Бу кўҳна шаҳарга ўн саккизинчи асрнинг охирларида келиб-кетган рус сайёҳи И. Л. Яворский ўзининг йўл хотираларида «Наврўз» ҳақида бундай деб ёзган эди: «Бу кунларда ҳамма дўконлар ёпилади. Амир саройи ёнидаги регистон майдонида ярмарка очилади. Бу ерга Бухоронинг деярли бутун аҳолиси — бой ва камбағал, амалдор ва оддий инсон — каттадан-кичик —ҳамма келади. Савдогарлар ўз молларини тайёрлаб қўйилган дўконларга ёки омонат бостирмаларга келтирадилар. Савдогарлар мўмай фойда ундиришади, сеҳргар ва раққослар халқни мафтун этишади. Ҳамма шод-хуррам, аммо биронта мастни кўрмайсиз, ҳамма мириқиб кўк чой ичади, уни ҳеч кимга зарари йўқ».

Бу гўзал манзарага давр ўзгатиш киритди. Чўнтагини қалпайтирадиган савдогарлар кўринмайди, амирнинг саройи музейга айланган. Сайёҳлар учун Бухоронинг дарвозалари очилган. Бу куни кўпдан-кўп туристлар рўй бераётган воқеаларни мароқ билан кузатадилар: ҳаммаёқда музика овозлари таралиб турибди, «Моҳи ситора», «Нозанин» халқ ижодиёти ҳаваскорлари олис асрлардан етиб келган рақслар ва расм-русумлар билан таништирадилар.

* * *

ЖИЗЗАХ. Қўрикда қад кўтарган пахтакор шаҳрида эрта тонгдан бошлаб ҳамма томондан стадионга халойиқ кела бошлади. Байрам арафасида аҳоли томорқа участкаларини тартибга келтирди, кўчаларни йиғиштириб безатди, дарахт кўчатлари ўтказди. Ҳар бир киши уч туп кўчат ўтказиш анъанасига риоя этди. «Боғ яратган кам бўлмайди», деб бекорга айтилмаган. Яхши иш қилингач, бемалол ҳордиқ чиқариш мумкин.

Оммавий халқ ўйинлари ва пойгадан олдин томошалар бошланди. Ҳар бир ташкилот, мактаб Наврўз қаҳрамонлари ролига ўз номзодларини: Баҳорхоним, Деҳқонбобо, Момо ер либосидаги кишиларни тайёрлаб келган. Мана шундай қиёфага кирган ҳаваскор артистлар кўрик ўлка меҳнаткашлари ҳузурида қўшиқ айтиб беришди. Улар булутрги мавсумдан қолган олмаларни тотиб кўришни ва янги олма кўчатлари ўтказишни таклиф қилишди, қарияларга гуллар тутқазишди. Сўнгра ҳаммани рақсга тортиб, оммавий ўйинкулгу бошлаб юборишди. Ҳеч ким тортинмади, кекса-ю ёш кунни маза қилиб хурсандчилик билан ўтказишди.

Агар аниқроқ айтадиган бўлсак, Мирзачўлда байрам бундан бир кун олдин бошланган эди. Вилоятнинг кўпдан-кўп колхоз ва совхозларининг дала шийпонларида, маҳаллаларда деҳқонлар сумалак пишира бошлашган эди — чунки бу таом қарийб бутун тун мобайнида узоқ вақт тайёрланади. Бутун тун давомида юлдузлар тўла осмон остида қўшиқлар, кулгилар янгради, ҳазил-мутойибалар бўлди.

Қадимий бир афсона бор: душман шаҳарни қамал қилиб олади. Унинг ҳимоячилари кўп кунлар ва тунлар давомида жанг қиладилар. Ғамланган сув ва озиқ-овқат ҳам тугаб бораётган, одамларнинг ҳалок бўлиши яқинлашаётган эди. Ана ўшанда кимдир омбор олдида қачонлардир тўкилиб қолган бўғдой униб чиққанлигини кўриб қолади. Одамлар ана шу бўғдойни йиғиштириб олиб, ҳамма учун емиш-сумалак тайёрлайдилар. Шунда жангчиларга куч-қувват киради ва шаҳарни қутқариб қоладилар.

Наврўз эўр байрам қилинди. Ана шу заминда яшаётган турли миллат кишиларига баҳор байрами келтирган дўстлик ва бирлик туйғуларига ҳаётбахш куч бағишлагани Наврўзнинг асосий якуни бўлди.

(ЎзТАГ).

САМАРҚАНД.

«Бугун кўҳна байрам келди сенинг уйингга,
менинг уйимга,
қанчалар дилрабо,
қанчалар гўзал!
Карнайлар янграсин,
янграсин сурнай,
янграсин қўшиқ,
халқим кутар уни, орзиқиб
севинч билан азалдан-азал!

Ушбу шеърий мисралар кўҳна регистон устида қаноат қоқиб, ҳаволанди. Шердор ва Улуғбек мадрасалари миноралариға чиқиб олган мусиқачилар халқни тантаналарга ана шундай чорлашди.

Самарқандликлар бугун эрталаб қабристонларни зиёрат қилдилар! Ҳаётдан кўз юмган кишилар хотирасини ҳурмат билан ёдга олдилар. Қариялар ва ёлғиз қолган юртдошларининг уйларига совға-саломлар билан бордилар. Ана шундан кейингина сайлга отландилар.

Ҳаваскор артистлар бирбирларидан ўзиб томошабинларни ўз санъатлари билан қувонтиришди. Шеърият боғида мушоира ишқибозлари тўпланишди.

Регистон остоналарида ёркин чодирлар тикилган ва дўкончалар очилганди. Байрам дастурхони ниҳоятда бой ва ранг-баранг: бу ерда нишурган буғдой билан ям-яшил ялпизни ҳам, ичига баҳор кўкатлари солинган сомса ва шунга ўхшаш ноз-неъматларни ҳам кўриш мумкин.

Ургутда баҳор байрами янги расм-русумлар билан бойиди. Уларнинг бири «Келин салом» бўлиб, баҳор рамзи бўлган ва никоҳдан ўтаётган қизлар аввало она ерга, сўнг тоғлар ва дарёларга, ана шундан кейин юртдошларига таъзим бажо этадилар. Улар атрофида мусиқачилар куй чаладилар, севги, ёшлик, бахт ҳақидаги қўшиқларни ижро этадилар. Томошага теварак атрофдаги масхарабозлар ҳам келишди. Полвонлар ва тош кўтарувчилар ўз кучларини синаб кўришди. Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Қизиғи шундаки, томошалар бўлаётган ерга бориладиган йўл ҳам Наврўз деб аталади. Алла-ёрон тоғи этагидаги бу жойда қадим-қадимдан халқ тўпланиб келган. Наврўз кунида янграган шеърлар инсонпарварликка, ўзаро ҳурмат, қон-қардошликка чорлади.

* * *

ГУЛИСТОН. Байрам куни Гулистон кўчаларини баҳорнинг доимий йўлдошлари табассум ва кулгу тўлдирди. Майдонларда ўз-ўзидан саҳналар пайдо бўлар, шинам ва озода айвонларга миллий ўзбек таомларини тотиб кўришни ҳоҳловчиларни таклиф қилишарди. Бу ерда байрам совға-саломлари сотиб олиш, шунчаки ўтириб дам олиш ва бир пиёла хушбўй чой устида дўстлар билан суҳбатлашиш мумкин.

Байрам шодиёнаси. Б.АЛИМОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

1990 йил 20 март куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси кун тартиби тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

«Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида кенг фикрлашув бўлиб ўтди.

Муҳокама чоғида Ўзбекистон ССР Президенти лавозимининг жорий этилиши сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа муносабатларда қайта қуриш жараёнларини жадаллаштиришга ёрдам беришн таъкидланди.

Кейинги пайтларда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг кескинлашувидан, белгиланган ислоҳотлар натижасиз пастлигидан, жиноятчилик ўсиб бораётганидан одамлар ташвишланиши қучаётганлиги уқтириб ўтилди. Тегишли жамоат тартибини, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга, иқтисодий аҳволни нормаллаштиришга, долзарб ижтимоий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўрилиши кераклиги тобора қаттиқ талаб қилинмоқда.

Президент лавозимининг таъсис этилиши республика суверенитетини, конституция тузумини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлайди, ҳокимият бутун механизми самарадорлигини, барқарорлик ва қонунийликни кескин ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади, деган фикрлар билдирилди.

Мажлисда сўзга чиққан кишилар масъулиятсиз демократия бўлиши мумкин эмас, ўзини ўзи бошқарув кучли, лозим бўлганда, оператив иш кўрадиган, бирлаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи ҳокимият бўлган тақдирдагина ўзининг ижобий имкониятларини чинакамига рўёбга чиқара олади, деган якдил фикр билдирилди.

Президиум аъзолари «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни маъқуллашдилар, бир қанча фикр-мулоҳазалар ва қўшимчалар киритилдилар.

Мажлисда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 24 март куни, соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари 23 март куни эрталаб соат 10 дан 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиумида рўйхатга олинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 24 март куни эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлади.

Хўжалик раҳбари фикри

МУҲИМИ—ПИРОВАРД НАТИЖА

Ўтган йили юқоридан белгиланган планнинг бажарилиши учун 614 тонна пахта етмади. Далалардаги бор ҳосилнинг сўнгги чаноғигача терганимизда, эҳтимол, топшириқ бажариларди. Лекин ушовидан тушови қиммат бундай хом ашёдан воз кечдик.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида кейинги икки йиллик кўрсаткичларни таҳлил этмоқчиман. 1988 йилда 3.333 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Ҳосилдорлик 28,8 центнерни ташкил этди. Давлатга 9.618 тонна пахта топширилди. Тармоқдан 2 миллион 155 минг сўм фойда кўрилди. Бултур эса ғўза майдони 313 гектар қисқартирилди. Алмашлаб экишни тўлиқ ўзлаштириш, халқимизнинг сабзавот, полиз ва мева маҳсулотларига эҳтиёжини қондиришга салмоқли улуш қўшиш ниятида худди шундай йўл тутдик. Шунга қарамасдан, план 9.490 тонна этиб белгиланди. Бунинг учун ҳосилдорликни бурноғи йилга нисбатан 2 центнер ошириб, 30,8 центнерга етказишимиз лозим эди. Амалда кўрсаткич 0,6 центнер ортди. Бироқ соф фойда 2 миллион 913 минг сўмга етдики, бу 1988 йилдагидан 630 минг сўм зиёддир. Унинг 1,2 миллион сўми совхоз ишчиларига қўшимча ҳақ тарзида тақсимланди.

Кўриниб турибдики, план уддаланмаган бўлса-да, иқтисодий аҳволимиз яхшиланди. Лекин қайта қуриш, хўжаликка тўлиқ мустақиллик бериш, унинг имкониятлари билан ҳисоблашиш зарурлиги хусусида қайта-қайта мулоҳазалар билдирилаётган бўлишига қарамасдан, ҳали ҳам турғунлик йиллари ўлчови билан иш юритиш деҳқоннинг қаддини ростлашига йўл бермаётир. Мисол учун планлаштиришга бўлган муносабатни олайлик. Совхозда бир гектар майдондан неча центнер пахта етиштириш мумкинлиги унинг раҳбарлари, мутахассислари, ишчиларига аёнми ёки юқори ташкилотларнинг мутасаддиларигами? Жорий йилда 2626 гектар майдонга чигит экилади. Бу — ялпи суғориладиган ернинг 64 фоизи. Дуруст-ку, дерсиз. Аввало гапнинг индаллосини эшитинг. Ер тўғрисидаги қонунни ҳаётга татбиқ қилиш фақат Олий Совет аъзоларидан эмас, ҳар биримиздан собитқадамлик билан ишлашни тақозо этади. Биз алмашлаб экиш тўғрисида гапираверибмиз, ҳар хил маълумотлар билан ўзимизни ҳам, ерни ҳам алдаб келдик. Бунга чек қўймасдан, заминга муносабатни ўзгартирмасдан туриб қишлоқда турмуш фаровонлигини ошириб бўлмаслиги ойдинлашди. Шу боис ҳар қандай қийинчиликни енгиб бўлса-да, алмашлаб экишни жорий этишга аҳд қилдик. Кузда ёқ бедапоя 200 гектарга кенгайтирилди, 300 гектар майдонда бошқи дон, 100 гектарда маккажўхори, 42 гектар ерда сабзавот етиштирамиз. Боғ ва токзорлар барпо этилмоқда. Устига устак колхозчиларга томорқа берилди.

План ва давлат буюртмаси белгиланаётганда хўжалик имконияти ҳисобга олинмаслигининг ноҳуш жиҳатлари бор. Биринчидан, меҳнат аҳли маънавий зарар кўради. Хоҳлайсизми - хоҳламайсизми, гарчи тола олиш топшириғи бажарилган бўлса-да, йил давомида нуфузли йиғинларда совхоз планни уддаламаганлар қаторида қайта-қайта тилга олинаверади. Иккинчидан, бултур 69 та бригада ва звенодан 38 таси режа адо этилмаганлиги туфайли қўшимча ҳақдан маҳрум бўлди. Масалан, Иброҳим Холбоев бошлиқ бригада аъзолари 47 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнер ўрнига 36,6 центнердан хирмон кўтаришди. Тежалган иш ҳақи, мукофот ва устама қўшиб ҳисобланганда жами 39 минг 884 сўм пул олишди. Бу ҳар бир ишчига 4106 сўмдан тўғри келди. Ана шу кўрсаткич Худойберганов бошлиқ бригадада 4430, Алланазар Расулов бошлиқ бригадада эса 5103 сўмни ташкил этди. Лекин гектар ҳисобига 35 центнер ўрнига 33,4 центнердан ҳосил етиштирган Омон Тўхтаев бошлиқ бригада деҳқонлари мукофотдан бебаҳра қолишди.

Ҳаққоний савол туғилади: чўл шароитида ҳар гектар майдондан 27—33 центнердан хом ашё тайёрлаган деҳқонни ишёқмасликда ёки тадбиркорсизликда айблаб бўладими? Пахтачиликка бундай муносабат орқали биз фақат деҳқоннинг кўнглини совутамиз, холос. Шусиз ҳам пахтакорга осон тутиб бўлмайди. Бу ерда саратоннинг иссиқ тафти ҳар қандай бақувват кишини толиқтириб қўяди. Шундай шароитда меҳнат қилаётганлар учун қўшимча иш ҳақи тўлаш тўғрисида қайта-қайта билдирилаётган фикрлар оқибатсиз қолаяпти.

Тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш колхозлар ва совхозлар мустақиллигини таъминлашнинг бирдан-бир тўғри йўлидир. Ҳозирча ана шу имкониятдан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Булутрдан бошлаб «Октябрь 60 йиллиги» пахта қабул қилиш пунктини хўжалик ихтиёрига олдик. Шунга кўра, хом ашёни деҳқондан ўзимиз қабул қилдик, заводда қайта ишлатиб, шартнома асосида толани тўқимачиларга етказиб бердик. Натижада тола сифати анча яхшиланиб, 32—33 фоизга етди. Чигитни Денов ёғ-экстракция заводига сотаяпмиз. Ўтган икки ой ичида корхонадан 150 тонна кунжара, 100 тонна чигит қобиғи олдик. Бундай тўйимли озуқа кейинги 4—5 йил мобайнида хўжаликка тегмасди. Бундан ташқари, Омск тўқимачилик комбинати билан ҳам шартнома тузганмиз. Ҳозиргача 800 тоннага яқин тола жўнатилган бўлса, бирор марта эътироз билдирилмади.

Хўжаликда мустақилликнинг ошиши қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал этишга катта имконият бераётир. Зеро, бугун хўжалик раҳбари фақат пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун эмас, балки қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш фаровонлигини кўтариш, деҳқон ёки чорвадорнинг меҳнат шароитини яхшилаш хусусида қайғуриши керак. Совхозимизда ҳар йили 10 миллион донагача ғишт ишлаб чиқарадиган завод бор. Маҳсулотнинг асосий қисми якка тартибда уй қураётганларга сотиляпти. Жорий йилнинг ўзида 330 оилага томорқа берилди. Уларнинг аксарияти уй-жой тиклашни бошлаб юборишган. Шуни ҳисобга олиб, махсус қурилиш бригадаси туздик. Ахир, далада ёки фермада меҳнат қилаётган деҳқону чорвадор қачон ғишт кетидан югуради-ю, қай маҳал уста ахтариб, унга ҳар куни иссиқ овқат тайёрлаб беради? Бунинг устига харажат ҳам кўп эмас: 7—8 минг сўмдан ошмаётир. Ҳозирнинг ўзида олтита уй қурилди

Совхоз марказида маданият ва истироҳат боғи барпо этилган. Бу ерда шахмат-шашка хонаси, сув ҳавзаси, ёзги кинотеатр, чойхона қурилаяпти. Меҳнатга яроқли хотин-қизларни фойдали ишга жалб этиш мақсадида Термиз тикув фабрикасининг филиалини очиш назарда тутилган. Жорий йилда, шунингдек, ўрта мактаб биноси, савдо маркази, маиший хизмат уйи, болалар боғчаси қуриш, табиий газ келтириш режалаштирилган.

Ижтимоий масалаларда озми-кўпми амалга оширилаётган ишлар, қишлоқларимиз қиёфасида юз бераётган ўзгаришлар чўлқувварларга кўтаринки кайфият бахш этмоқда. Улар баҳорги юмушларга қизғин киришдилар. Чигит экиладиган майдонларнинг асосий қисмида эгат очилди. Ариқ-зовурлар тозаланиб, тартибга келтирилди. Мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини ўтқазиш ниҳоясига етказилди. Беда ва бошқи донга ишлов берилаяпти. Бугун-эрта маккажўхори экишга киришамиз.

Хуллас, КПСС XXVIII съезди бўладиган йилда олдимизда турган топшириқларни шараф билан уддалаш, мўлжалдаги пировард натижага эришиш йўлида астойдил ғайрат қилаяпмиз.

О. ЗИЁҚУЛОВ,
Шеробод районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг директори.

БИЗ — ТАРТИБ ТАРАФДОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги 22 февраль куни эълон қилинган фармони хусусида республика оммавий ахборот воситаларига меҳнаткашлардан ҳануз мулоҳазалар битилган кўплаб мактублар келиб турибди. Одамларнинг аксарият кўпчилиги мазкур фармон қондалари ўз вақтида эълон қилинган ва жуда зарурлиги тўғрисида якдил фикр билдирмоқдалар. Биз ҳаммамиз яхшироқ яшашни истаймиз, бунинг учун эса аввало хотиржам, унумли меҳнат қилиш учун шароит яратилиши керак. Ҳеч қандай митинг, унга ҳар қанча кўп одам йиғилганида ҳам, тўпланиб қолган муаммоларни самарали ҳал этишга қодир эмас. Эришган ютуқларимизни йўққа чиқаришга эса қодир.

Бугун биз Ўзбекистоннинг турли районларидан келган мактублардан бир қисмини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

КУЛФАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН

Бизнинг Ильич районимизда ҳозир ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий муаммолар қалашиб ётибди. Турғунлик йилларининг асорати ҳануз сезилиб турибди: ерлар қайта шўрланаяпти, шоша-пиша, комплекс бўлмаган тарзда қурилган посёлкалар аҳоли эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондирмаётир, қишлоқларни ободонлаштириш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиб бериш истаганимиздан кўра анча суст суръатда бормоқда. Бундай муаммоларнинг кўпи бизда — Ўзбекистонда қадим замонларданоқ ҳашар йўли билан ҳал этиларди. Лекин бу ҳашарларга одамлар гап сотиш учун эмас, балки ҳамқишлоқларига ёрдам бериш учун кетмон, белкурак, замбил кўтариб борардилар. Нутқлар сўзланмас, ваъдалар берилмасди — одамлар ўзларига яраша иш топиб уннаб кетаверардилар. Натижада эса уй қад кўтарар, ҳовлида қудуқ пайдо бўларди. Бу ҳар қандай митингдан, ҳатто унда тўғри гаплар айтилса ҳам, юз карра фойдалироқ бўларди. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди, сўзлардан ҳатто чоғроқ сомонхона ҳам қуриб бўлмайди.

Маҳмадоналар эса, назаримда, кейинги пайтларда жуда кўпайиб кетди. Мен демократиянинг, ошкораликнинг кенгайтирилишига асло қарши эмасман, мен одамлар ўзларининг ҳар қандай фикрларини эркин билдира олишлари тарафдориман. Лекин мен осонгина кулфатга айланувчи «митинг»ларга қаршиман — Бўка ва Паркентдаги воқеалар бунинг далили бўла олади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган фармон эркинлигимизни бирмунча чеклаб қўйди, албатта. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, бу чеклашлар деҳқон ёки ишчига қарши қаратилган эмас — меҳнат коллективлари йиғилишларида, касаба союз йиғилишларида фикр билдирилишига ким ҳам ҳалал беради? Лекин айрим шахслар учун бу фармон, афтидан, томоққа тиқилган суякдек бўлди. Улар ҳар қандай минбарга чиқишга тайёрлар, фақат ўз жиззакиликларини яна бир бор намоён этиш имкониятига эга бўлсалар кифоя. Шунинг учун ҳам мен район хўжаликларида кейинги пайтларда учрашишимга тўғри келган одамларнинг аксарияти бир хил фикр билдираяпти: ҳозир бизга ҳар хил намойишлар ва митинглар камроқ, хотиржам ишлаш учун имконият кўпроқ бўлгани маъқул.

Р. ЯЛТАЕВ,
Сирдарё область Ильич район ижроия комитетининг раиси.

МИТИНГЛАРДА НИМА ТЎҒРИСИДА ГАПИРИШАЯПТИ?

Мен Чорвоқда ўсиб улғайганман, у менинг кўз ўнгимда кимсасиз бир жойдан шинам турар-жой кварталлари, музика ва умумий таълим мактаблари, дам олиш уйлари ва пионер лагерлари, йирик савдо комплекслари бўлган обод посёлкага айланди. Ҳозир бу ерда Ўзбекистондаги йигирмадан зиёд миллат вакиллари — Чорвоқ ГРЭСи ишчилари ва хизматчилари, қурувчилар, геологлар ва геодезистлар яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Посёлканинг ёнгинасида Чорвоқ корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари учун боғ ҳовлилар шаҳарчаси бунёд этилган. Бу ерда ҳеч қачон қандай миллат пешқадам бўлиши кераклиги тўғрисида сўз борган эмас — нормал меҳнат коллективида бундай мавзуда гаплашишнинг ўзи кулгили ва бемаънидир.

Афсуски, ҳозир кўпгина митингларда ана шундай фикрлар тез-тез янграб турибди. Фикримча, бизнинг талашадиган молимиз йўқ. Биргалашиб амалий ишга киришиш керак. Ҳатто кичкинагина Чорвоқ посёлкасида ҳам бундай ишлар бошдан ошиб ётибди. Бизда, айниқса, аёллар орасида ишсизлик муаммоси ўткир бўлиб турибди. Демак, бизга тикувчилик ва трикотаж корхоналарининг, асбобсозлик заводларининг чоғроқ филиаллари керак, улар экологик жиҳатдан тоза ва айни пайтда бундай корхоналарда кўп одам ишлаши мумкин. Уй-жой муаммосини тезроқ ҳал этиш керак, менимча, бунинг учун бизда меҳнат ресурслари ҳам, моддий ресурслар ҳам бор. Маҳаллий хом ашёдан деворбоп материаллар тайёрлаш мумкин. Бу ерда курорт иқлими бўлишига қарамай, бизда ҳалигача шифохоналарда, пансионатлар ва пионер лагерларида ўринлар етишмаяпти. Медицина ва савдо, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмагани хусусидаги шикоятлар тез-тез қулоққа чалинади. Наҳотки митинг ёки намойиш ана шу масалаларни ҳал эта олса?

Н. ВАСЮХНОВА,
Тошкент область Чорвоқ экспедициясининг геодезисти.

ВЕТЕРАНЛАР СЎЗИ

Биз, Тошкент шаҳар Ленин районида истиқомат қилувчи партия, уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармонини қўллаб-қувватлаймиз, бу муваққат чора вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беришига, республика корхоналарида нормал меҳнат маромини таъминлашига ишонамиз.

Биз ота-оналарга, турар-жойлардаги маҳалла жамоатчилигига, ветеранлар ташкилотларига, хотин-қизлар кенгашларига мурожаат қилиб, уларни ўз фарзандларининг хулқи учун масъулиятни оширишга ва уларнинг жиноятчи унсурлар билан биргаликда шундай митинглар ва тартибсизликларда қатнашишларига йўл қўймасликка даъват этамиз.

Ленин райони ветеранлари орасида турли миллат вакиллари бор, биз Ватанимиз учун оғир бўлган йилларни бошимиздан кечирганмиз, лекин орамизда ўшанда ҳам худди ҳозиргидек душманлик кайфияти бўлмаган. Бизнинг бутун фикр-хаёлимиз ва ишларимиз жамиятимиздаги қайта қуришни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилган. Фармон республикада жамоат тартибини изга солишга, вазиятни барқарорлаштиришга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Н. РУСТАМБЕКОВ,
Тошкент шаҳар Ленин район уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси.

БАҚИРАВЕРИШ ЖОНГА ТЕГДИ

Мен андижонлик оддий меҳнаткаш, оғир юк ташувчи машиналар ҳайдовчисиман, бутун авлод-аждодларим Ўзбекистонда яшаган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони ўз вақтида чиқарилганига ва у республикадаги вазиятни барқарорлаштиришда ёрдам беришига ишончим комил. Хўш, нима учун мен шундай деб ҳисоблаяпман? Шунинг учунки, кўчаларда ҳеч бир нафсиз сандироқлаб юрувчи бақироқлар тўдалари менинг ҳам, ҳамкасбларимнинг ҳам жонига тегди, улар турмушимизга фақат тартибсизлик ва ола-ғовурни бошлаб киришди, холос. Шундай пайтлар ҳам бўладики, ана шундай митинглар ва кўча юришлари туфайли ҳамма йўллар тўсиб қўйилиб, машинада бу жойдан ўтиб кетишнинг сира иложи бўлмай қолади.

Бундан ташқари, фақат кўчалардаги қатновгина эмас, халқ хўжалиги ва саноат корхоналари ҳам ишдан тўхтаб қолади. Чунки биз у жойларга юкларни ўз вақтида етказиб боролмаймиз, демак — маҳсулот ишлаб чиқарилмайди. Митингбозлар ўз иш жойларида бўлмасликлари туфайли йўқотилган қанчадан-қанча иш вақти тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳамкасбларимнинг аксарият қисми қабул қилинган фармон вазиятни барқарорлаштиришда ёрдам беришига, меҳнат интизомини мустаҳкамлашига қатъий ишонади, бу пировард натижада жамият учун ҳам, ҳар биримиз учун ҳам фойдалидир.

С. АБДУЛЛАЕВ,
Андижон автокомбинатининг ҳайдовчиси, СССР давлат мукофотининг лауреати.

ҚУТ-БАРАКА АҲИЛЛИКДА

Ўлкамизда Наврўзи олам кезиб юрибди. Чеҳраларда гулгунлик. Шундай бир пайтда айрим ғаламислар ўз қора ниятларини рўёбга чиқариш учун турли-туман хатти-ҳаракатларни кучайтиришга уринмоқдалар. Ҳар хил ёлғон-яшиқ, миш-мишлар тарқатиб, одамларни кўча намойишларига, митингларга даъват этмоқдалар.

Шуни унутмаслигимиз кераки, рўзғорга — бизнинг катта хонадонимиз жумҳуриятга, Иттифоқ аҳли турмушига фақат тинч-тотувлик ва меҳнат орқалигина қут-барака киради. Акс ҳолда парокандалик, бошбошдоқлик авж олиб, иш ўрнини сафсатабозлик, гапбозлик эгаллайди. Шу маънода мен Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг республикада йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлари ўтказишни тартибга соладиган фармонини қониқиш билан кутиб олдим. Биз шу пайтгача бахтимизни аҳилликдан, тотувликдан топиб келдик. Оғир уруш йилларида ҳам биродарлик, қардошлик туйғулари бизга куч-қувват берди.

Тўғри, мамлакатимизда ҳам, иқтисодий соҳаларда, миллатлараро муносабатларда ҳам муаммолар бор. Лекин гап шу жумбоқларни босиқлиқ, аҳиллик билан ечишда. Эҳтиросларни кучайтириш эмас, ақл-идрок даъватига қулоқ солайлик.

Мансур МИРЗАЕВ.
Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхози.

Қашқадарё область Китоб районидаги Свердлов номли колхоз деҳқонлари жорий йилда 148 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 350 центнердан сабзавот маҳсулотлари етиштиришга бел боғлашган. Шу ниятда эртаги помидор экиш жадал бормоқда. Бу юмуш айниқса 4-бригадада намунали ташкил этилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор сеялкачи Бердимурод Исматов. 2. Помидор экилмоқда.

Э. ҚУЛМУРОДОВ олган суратлар.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ВОРОНЕЖ. Бу шаҳарда очилган янги «Қурувчи» тижорат банки ташаббуслар ва ижодкорликни пул билан таъминлайди. Уни областдаги йигирма бешта етакчи қурилиш, транспорт ва монтаж корхонаси ташкил этди. Пайчиларнинг акциядорлардан оладиган даромади йиллик даромаднинг ўн фонзини ташкил этади. «Қурувчи» ҳозирнинг ўзидаёқ 99 та ташкилотга хизмат қилмоқда. Банк тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларни асосида ишлаб, омонатчиларнинг биргаликда ўтказадиган тадбирларини ва тижорат фаолиятларини, янги технологиялар ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илғор методларини жорий этишни, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни пул билан таъминлайди.

* * *

МОГИЛЕВ. КПСС XXV съезди номли Могилев шойи газламалар бирлашмасининг тўқувчилари ўз корхоналарида ип йигириш ишларини йўлга қўйдилар. Бу корхонани плашчбоп харидоргир газламалар тайёрлаш учун тақчил ип билан таъминлади. Митти фабрика учун жойни ишлаб турган корхонанинг ўзидан топдилар: айрим хизматлар жойлашган хоналарни, омбор биноларининг бир қисмини бўшатишга тўғри келди.

* * *

БИЖАН (Хабаровск ўлкаси). «Бижанский» совхозининг коллективи уруш ва меҳнат ветеранларининг шахсий томорқаларини ишончли оталиққа олди. Барча пенсионерлар қишлоқ қўрғонлари, квартиралар, коммунал хизматлар, электр энергияси учун пул тўлашдан озод этилди. Хўжалик уларни ўз ҳисобидан ёқилғи билан таъминлайди, ҳар йили улар учун 300 килограмм омухта ем ва икки тонна хашак ажратиб беради. Қурилиш ва уйни, ҳовлидаги ёрдамчи биноларни ремонт қилиш учун керак бўладиган материаллар энди пенсионерларга икки баравар арзонга тушади. Юқори синф ўқувчилари томорқа участкаларига ишлов беришда, ҳосилни йиғиб олишда ёрдам кўрсатишади. Бунинг учун уларга ҳақни совхоз тўлайди.

* * *

ЛЕНИНГРАД. Бу шаҳарда ташкил қилинган Андреев фонди рус музика маданияти анъаналарини тиклашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Юз йилдан зиёд вақт илгари биринчи рус халқ оркестри айни шу шаҳарда ўз ижодини бошлаган, унга миллий чолғу асбобларининг машҳур тарғиботчиси В. В. Андреев асос солган эди. Янги жамоат ташкилоти ўз зиммасига қадимий мусиқа анъаналарини тиклаш — «народник»ларнинг фестиваллари ва конкурсларини ўтказиш, профессионал ва ҳаваскор ижрочилар учун чолғу асбобларини таъмирлаш билан боғлиқ барча ташаббусларга ҳомийлик қилиш вазифасини олган.

* * *

СВЕРДЛОВСК. Ураллик мутахассислар тюменлик геологларга бурғилаш қурилмалари учун ёқилғи сифатида газ қазиб олишга кўмаклашадиган газ конденсатидан фойдаланишни таклиф қилдилар. Свердловскдаги «Турбомоторний завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бурғилаш қурилмалари учун ҳам дизель ёнилғисида, ҳам конденсат ёрдамида ишлай оладиган двигателлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Янги агрегат бориш қийин бўлган жойларда қўл келади. У ёқилғи ташиб келтиришдек қимматга тушувчи ишдан озод қилади. Двигатель 5—6 ой ичида ўзини оқлайди, унинг хизмат муддати эса беш йил атрофида.

* * *

МАЛОРИТА (Брест области). Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш марказий илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган пичанзор ва яйловларни ўтлоқларга айлантиришда фойдаланиладиган тупроққа ишлов берувчи комбинацияли экиш агрегати беш-олтита турли машина ва қурилмаларнинг ўрнини боса олади. «Малоритский» совхозининг деҳқонлари уни синовдан ўтказдилар. Янги агрегатдан фойдаланиш ўтлоқларни яхшилаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини ҳам ошириш имконини беради.

* * *

ХАРЬКОВ. Бу шаҳардаги С. М. Киров номли завод мутахассислари мамлакатимиз иссиқлик электр станцияларидаги 300 ва 150 минг килозатт қувватга эга бўлган эскириб қолган турбиналарни янгилай бошладилар. Улар машиналарнинг қаттиқ қизиб кетиб, натижада кўп йиллар фойдаланиш мобайнида айниқса едирилиб кетадиган қисмларинигина алмаштиришни таклиф қилишган. Шунда ишга яроқлилигини йўқотмаган асосий ва ёрдамчи механизмлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Станциялар биноларини, уларнинг машина залларини, ускуналарнинг пойдеворларини қайтадан қуришга ҳожат бўлмайди. Корхона цехларида Красноярск, Приднепровск ва Троицкий ГРЭСлари учун мўлжалланган ўзига хос конструкцияли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарила бошланди. Илгари фақат едирилганларини алмаштириш учунгина ишлатилган деталларга нисбатан ҳозиргилари турбиналарда вужудга келтириладиган қўшимча қувватни икки баравар кўпайтириш имконини беради, уларнинг фойдали иш коэффициентини бир ярим фоиз оширади.

(ТАСС).

ФОЙДА ҲИСОБИДАН

«Термиз» совхози цитрус ва субтропик экинлар етиштиришга ихтисослашган. Унинг ҳар бир ходими бу йил меҳнат отпускасига чиқаётган пайтда ўртача маош ҳисобидан даволаниш нафақасини олади.

Қўшимча ҳақ тўлашнинг бошқа турлари ҳам қўлланилмоқда. Масалан, хўжаликда ўн йил ишлаб пенсияга чиқаётган ходим нафақа сифатида минг сўм пул олади. Хўжалик пенсия кам тайинланган кишилар умумий миқдорда 100 сўм нафақа олишлари учун маблағ ажратади.

Совхоз олаётган катта фойда шундай тартибни жорий этишга имкон берди. Лимон териб олиш плани қарийб бир ярим баравар ошириб бажарилди, натижада икки миллион сўмдан кўпроқ фойда олинди. Маҳсулот бевосита шартномалар асосида Уфага, Тольяттига, Тошкентга, Қозоғистоннинг саноат марказларига ва мамлакатимиздаги бошқа шаҳарларга юборилмоқда.

Шериклар эса ўз навбатида совхозга ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, уни кенгайтириш учун зарур бўлган турли материалларни жўнатмоқдалар. Муттасил шундай қилинмоқда. Яқинда Қозонхонани таъмирлаб бўлдилар, унинг қуввати бир неча баравар кўпайди. Натижада лимонзорларни кенгайтириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мумкин бўлади. Умумий майдони олти гектар бўлган янги иссиқхоналар, бошқа иншоотлар қурилиши бошлаб юборилди.

Сурхондарё области.

ЯНГИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида илмий-техника ишланмалари ва халқ истеъмол моллари янги намуналарининг савдо-ярмаркаси очилди. Уни Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг республика кенгаши билан Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ташкил қилди.

Тармоқлараро кўргазмалар павильонида Ўзбекистон, Воркута, Томск, Жамбул, Львовдаги корхоналар, илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотлари, академик институтлар ва олий ўқув юртлари, Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг бўлимлари, тармоқлараро илмий-техник комплекслар, қўшма корхоналар, кооперативларнинг ихтирочилари тайёрлаган 170 га яқин ишланма намойиш этилган.

Ярмарканинг мақсади — истиқболли техник ечимлар ва кенг истеъмол моллари намуналарини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштиришга кўмаклашиш, кундалик зарур молларни ишлаб чиқарувчи саноатни ривожлантиришга ёрдам беришдан иборатдир.

Кўргазмада ишланмалар, техниканинг тажрибавий ва кўплаб ишлаб чиқариладиган намуналарини сотиб олиш юзасидан ўзаро манфаатли шартномалар тузилади.

Кўргазма 15 апрелга қадар давом этади.

(ЎзТАГ).

ЖЎШҚИН ҲАЁТ

АЙТСАНГ ТИЛИНГ ҚУЯДИ...

Яқинда Москва районидаги «Москва» колхози иккига бўлиниб «Оқ олтин» хўжалиги ташкил этилди. Меҳнаткашларнинг кўп йиллик орзулари рўёбга чиқди. Қаровсиз қолган қишлоқларда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, кишиларнинг бўш пайтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратишга имкон туғилди.

— Мен қирқ йилдан буён шу колхозда сувчи бўлиб ишлайман, — дейди биз билан суҳбатда Анорбой Раҳимов. — Раҳбарларнинг ўйламай иш тутиши оқибатида Оқ олтин қишлоғи хароб бўлди. Колхозлар бирлашгандан сўнг ишлаб турган иккита чойхона бузилди, идора, омборхона, молхона, товуқхоналар йўқ бўлди. Улар ўрнига биронта янги иншоот қурилмади. Натижада 50 дан ортиқ хонадон бошқа жойларга кўчиб кетди. Шу боис колхозни алоҳида ажратиб, қишлоғимизни ўзимиз обод қиламиз деган таклиф билан чиқдик. Партия ва ҳукуматимизга раҳмат. Халқ талабини инобатга олишди.

Анорбой ака ҳақ гапни айтди. Лекин бизни бошқа нарса ўйлантираяпти. Хўжалик бўлингани билан 100 гектар майдон ҳанузгача кимга тегишли эканлиги ҳал этилмаган. Бу эса бир-бирига қудаанда бўлган икки қишлоқ ўртасида баҳслар, тортишувлар, жанжаллар чиқишига сабаб бўлмоқда. Район раҳбарлари эса бу тортишувга чек қўйишга шошилишмаяпти. Бизнингча, экин майдонлари колхозлар қўшилган пайтдаги ҳужжатга асосан бўлиниши керак. Наҳотки раҳбарларимиз шуни тушунишмаса?

М. УСМОНОВ,
«Бўз ҳақиқати»нинг масъул котиби.

ЯНА КЎРСАТУВ ХУСУСИДА

«Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг 1990 йил 18 январь сонида босилган «Бир кўрсатув хусусида» сарлавҳали мақолани ўқиб, ушбу мактубни сизларга йўллашга қарор қилдим. Мақолада долзарб мавзу кўтарилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон телевидениесида қишлоқ хўжалиги мавзуи бўш ёритилаяпти. Аксарият ҳолларда шоир, санъаткор, олим ёки хонандаларнинг юбилей кечаларига бағишланган кўрсатувлар қайта-қайта тайёрланади. Бироқ оддий деҳқон, чўпон, ишчи, қурувчилар фаолиятига оз ўрин берилади. Биз истардикки, кишилар ҳаётидан олинган, турмушни ҳаққоний акс эттирадиган кўрсатувлар кўпроқ тайёрланса.

С. РОЗИҚОВ.
ишчи мухбир.

ЭКИШГА ТАЙЕР

Денов районидаги «8 март» колхози пахтакорлари чигит экиш мавсумига зарур бўлган барча техникаларни тахт қилиб қўйдилар. 15 та сеялка, 134 борона, 27 та чопиқ трактори ва бошқа техникалар сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу ишда Д. Ҳаққулов, А. Қорабоев, Ш. Ҳасанов каби пайвандчилар бошқаларга намуна бўлишди.

Ў. БЕКМУРОДОВ.

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

Нукус районидаги Тельман номли совхоз маъмурияти ишчиларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор бераяпти. Яқинда бу ерда янги соғлиқни сақлаш маскани қад ростлади. Ёруғ, шинам хоналарда зарур жиҳозлар бор.

Саломатлик маскани мудири Қайрат Сабуров, ҳамширалар Қаллигул Сайдуллаева ва Жунар Ўтегулова хизматидан меҳнаткашлар мамнун бўлмоқдалар.

ҒАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА

Хўжайли гўшт комбинати коллективи шу йил 28 апрелда Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ундан тушган маблағ уруш ва меҳнат ветеранлари уйларини ремонт қилишга, маданий-маиший хизмат кўрсатишга сарфланади. Шунингдек, маблағнинг бир қисми Хўжайлидаги «Ғалаба» боғини ободонлаштиришга ажратилади. Комбинат коллективининг бу ташаббуси райондаги қатор корхона ва ташкилотлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Р. МАДИЕРОВ.

ХУШХАБАРЛАР

Самарқанддаги «Красний двигатель» заводида камёб мол ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ерда ишлаб чиқарилиб, харидорларни қувонтираётган қумғонлар, товалар, чойнаклар ёнига қозон ҳам қўшилди. Харидорларнинг илтимосларига кўра, бундай қозонларнинг сиғими 10 литргача қилиб тайёрланмоқда. Бу маҳсулотнинг дастлабки туркуми республика савдо тармоғига етказиб берилди.

* * *

Италиянинг «Бомбелли» ва Ғарбий Германиянинг «Пфафф» фирмаларидан сотиб олинган хорижий техника Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасига жаҳон даражасига кўтарилишда ёрдам беради. Аёлларнинг этикларини ишлаб чиқарувчи линияни ўрнатишни Олмаота созлаш-ишга тушириш станциясининг созловчилари ўз зиммаларига олдилар. Фабрикага ҳозирнинг ўзидаёқ ускуналар жойлаштирилган дастлабки контейнерлар келтирилди.

* * *

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари хўжалиги министрлигининг навбатдаги сайёр коллегияси Наманган областида кўчма машғулот ўтказди. Министрлик ва бирлашмаларнинг раҳбарлари автохўжаликларда бўлиб, «Намангантранс» бирлашмаси ходимларининг меҳнат, маиший ва дам олиш шароитларини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тажрибаси билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлдилар. Улар даволаш-соғломлаштириш комплексларида, психологик ҳордиқ хоналарида, ошхоналарда, маиший хизмат кўрсатиш жойларида, автокафеларда бўлдилар. Ходимларга кўрсатилаётган ғамхўрлик пировард натижада республика тармоқ мусобақасида бир неча бор ғолиб чиққан наманганлик автотранспортчиларнинг меҳнати натижаларига яхши таъсир қилмоқда.

* * *

Сергели авиакорхонаси ёрдамчи хўжалигининг меҳнаткашлари унча қиммат бўлмаган нархларда икки тоннадан кўпроқ хушбўй асал сотдилар. Ёрдамчи хўжалик барча авиаторларни картошка ва бошқа сабзавотлар билан тўла таъминлади. Корхонанинг деҳқончилик цехи барпо этилганига атиги бир неча йил бўлди. Лекин у коллективни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳозирдаёқ сезиларли роль ўйнамоқда. Бу ерда ҳар йили бир неча гектар янги ер ўзлаштирилмоқда. Ёрдамчи хўжалик меҳнаткашлари ҳозир теплицалар қуришни режалаштиришмоқда.

* * *

Янгийўл мебель фабрикасида ўн беш йил ва ундан кўп вақт ишлаган ветеранлар пенсияга энди омонат дафтарчаси билан кетишмоқда. Меҳнат коллективи кенгашининг қарорига биноан, улар энди бир неча минг сўм мукофот олишади. Бир йилгина муқаддам фабриканинг молиявий аҳволига маймунлар йиғларди: унинг қарзлари бир неча миллион сўмни ташкил қиларди. Тўла хўжалик ҳисоби, меҳнатнинг илғор усулларини жорий этиш мебелчиларга қолоқликни тугатиш, дастлабки даромадни ишлаб топиш имконини берди. Бу даромад ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва ижтимоий эҳтиёжларга сарфланмоқда.

* * *

«Кривбассшахтопроходка» трестига қарашли Ю. Олейников бригадасининг ишчилари Ангрен кўмир конидаги 9-шахтанинг янги шохобчасини қазий бошладилар. Бу бўлинма мутахассислари тез-тез зилзила бўлиб турадиган жойлардаги ўта мураккаб ишларни бажариш билан шуғулланишади. Бригада шохобчани 213 метрга узайтириши керак, шахтанинг қазилган барча қисми пухта темир-бетон қалқон билан мустаҳкамлаб борилади. Бу ерда Ўрта Осиёда биринчи марта музлатиш деб аталувчи технологиядан фойдаланилади. Бу технология ер ости сувларининг сизиб чиқишига йўл қўймайди.

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ НАФАСИ

СУРАТЛАРДА: 1. Пешқадам ишчи Манзурахон Ўринбоева. 2. Боғбон Исоқжон Қосимов мевали дарахтларга шакл бераяпти. 3. Бригада бошлиғи Тўйчибой Юнусов (ўртада) боғбонлар Машрабжон Холдоров ва Аюбжон Мирзараҳимов билан ниҳолларни кўздан кечирмоқда.

Л. КИМ олган суратлар.

БОҒЛАР БОЛГА ТЎЛСИН

Навбаҳор яратиш, яшнатиш ишқи билан ёнган деҳқону соҳибкорни далаларга чорлаётир. Боғ ва токзорларда иш қизғин. Миришкорлар эл дастурхонини тўкин қилиш йўлида бунёдкорлик ишларини авж олдирмоқдалар.

Мухбиримиз академик Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш бирлашмаси Фарғона тажриба станциясида бўлди. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар юзасидан станция директори Я. В. ГРЕЧКО билан суҳбатлашди...

— Коллектив кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлигини қандай ўтказмоқда?

— Областимизда ҳар йили кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар экилади. Афсуски, етарли эътибор берилмаганлиги сабабли уларнинг аксарияти қуриб қолаяпти. Агар экилган ҳар бир туп кўчат кўз қорачиғидай асраб-авайлаб парвариш қилинса, боғ-роғлар кўпайса бозорларимиз пештахталари арзон мева-чевалар билан тўкин бўларди.

Шу кунларда дарахтларга шакл бериш, уларни озиқлантириш, суғориш, тагини юмшатиш, ҷуташ, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш сингари тадбирларни амалга ошираётирмиз.

Биз асосан кўчат етиштириш билан шуғулланамиз. Тажриба станциямизда 5 та бўлим бор. Улар Қува, Фарғона, Олтиариқ ва Риштон районларида жойлашган. Бу йил ходимларимиз 52 гектар майдонда жами 447 минг 350 та данакли кўчат етиштиришди. Бундан ташқари 7 минг 366 та ёнғоқ, 72 минг 450 та анор, 1 миллион 38 мингдан зиёд узум, 20 минг та атиргул, 5 минг 400 та шотут, 88 минг 800 та терак, 53 минг 400 та манзарали дарахт ниҳоллари тайёрладик. Уларни вилоят районлари хўжаликларига сотаяпмиз. Булар хўжаликлар ҳамда аҳоли талаб-эҳтиёжи учун етарли эмас, албатта. Шу боис бундан буён ниҳол етиштиришни янада кўпайтирамиз. Жорий йилда 2 миллион мевали ҳамда 2 миллион узум кўчатлари етиштиришга аҳд қилганмиз.

— Янги навлар яратиш устида қандай ишлар олиб борилаяпти?

— Аҳолининг йил—ўн икки ой мева ва узумга бўлган талабини қондиришнинг ягона йўли боғ ва токзорларни кенгайтиришдир. Йўқолиб кетиш хавфи бўлган ўрик, жийда, анор, анжир каби меваларнинг янги навларини яратиш устида иш олиб бораяпмиз. Биз қисқа муддат ичида 220 хил ўрик, 40 хил беҳи навларини — жами 620 хил навни синовдан ўтказишга эришдик.

Кейинги йилларда қандак ўрик деярли йўқолиб кетган эди. Биз ўрикнинг бу навини қайта тикладик. Унинг 14 нави яратилди. Етиштирилган кўчатлар Риштон районидаги «Ўрикзор» совхозига етказиб берилди. У ерда 14 гектардан иборат боғ барпо этилди. Илғор тажрибаларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида хўжаликлар билан шартномалар тузаётирмиз. Ҳозиргача 19 та хўжалик билан шундай ҳужжат имзоладик. Бу йил Қувасой шаҳридаги Ильич номли совхозда 260 гектар, Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхозда 88 гектар, Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхозида 50 гектар, Охунбобоев районидаги «Совет» колхозида 50 гектар, Фарғона районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозда ва бошқа қатор хўжаликларда янги боғ-роғлар ташкил этишга киришдик.

Шу кунларда боғларда бутун диққат-эътиборимиз дарахтларга шакл бериш, уларни озиқлантириш, токларга ишлов беришга қаратилмоқда.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

БАЙРАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республика ҳукуматининг деҳқоннинг янги йили — Наврўзни кенг нишонлаш ва бу кунни дам олиш куни, деб эълон қилиш тўғрисидаги қарорини ўқиган кишилар қанчалар қувонганликларини сўз билан ифодалаш қийин. Экин-тикин ишларига ҳозирлик кўрилаётган далаларда эгат очаётган механизаторлару сув тараётган сувчилар, кўчат ўтказаётган боғбонлару яйловларда сурув кетидан юрган чўпонлар билан учрашсангиз, «Ассалому алайкум, Наврўз байрамингиз қутлуғ бўлсин», деган сўзларни эшитасиз. Беихтиёр дилингизда фахрланиш ҳисси жўш уради.

Термиз районидаги «Дўстлик» колхози меҳнат аҳли ўтган йили ҳам Наврўзни ўзларининг кенг, шинам стадионида нишонлаган эди. Бу йил-чи? Илгари хўжаликда атиги иккиуч жойда сумалак қайнатиларди. Амалдаги йилдан сумалак сайли тамоман ўзгача тус олди. Ҳар икки хонадондан бирида дошқозонларда сумалак қайнатилаяпти. Майса сувига қорилган хамирлардан тандирда пиширилган сумалак кулчани тановул қилганмисиз? Белга қувват, жонингга дармон бўлай, деган таомлардан бири худди шу. Хўжаликда 600 хонадонда сумалак қайнатилди.

Ўтган якшанба куни хўжалик аҳли Наврўз байрамини ана шундай кенг нишонлади. Эрталабдан қор совуғи туриб, ёмғир томчилаётган бўлса-да, стадион одамлар билан гавжум бўлди.

— Ҳаммани якшанба куни Наврўз сайлига таклиф этганмиз, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Болта Шерназаров. — Меҳнат ветерани Жўра Ҳусаналиев бошчилигидаги ҳайъат аъзолари тайёрланган таомларга, тўқилган ҳар хил миллий кашталарга баҳо беришади.

Карнай-сурнай садолари янграмоқда. Колхознинг Паттакесар, Гулистон, Куйбишев участкаларидан келган вакиллар Наврўз сайлига ўзлари тайёрлаган хилма-хил таомлар, миллий байрамимиз удумларини акс эттирувчи кўргазмаларни тақдим этишди. Хўжаликда азалдан туркман ва ўзбеклар аҳил яшаб меҳнат қилишаётир. Кўргазмада туркман миллий кийимлари, гиламлари, нозик дид билан тайёрланган ширин таомлар диққатингизни жалб этади. Бахши Маматвали Суюнов дўмбирасида ширин ҳаётимизни мадҳ этаётир.

Стадион йўлагидан Бободеҳқон, Момоер ва Деҳқоной ўтишди. Сўнг деҳқон ерга барака уруғи соча бошлади. Табиатнинг тантилигини қарангки, деҳқон яхши ният билан уруғ сочаётган паллада ёмғир ёға бошлади. Бу эса деҳқонларда амалдаги йил баракали бўлади, деган умидни туғдирмоқда.

«Гўзал» ашула ва рақс ансамбли коллективи, «Лола» болалар боғчаси, сут-товар фермаси ҳаваскорлари ўзларининг дилрабо қўшиқлари, шўх лапарлари, кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган камчиликларни фош этувчи чиқишлари билан тўпланганларни хурсанд қилдилар. Бир томонда эса спорт мусобақалари авжида.

Наврўз шодиёнасига келтирилган кўргазмаларни баҳолаган ҳайъат аъзолари Паттакесар қишлоғи вакилларининг хизматини алоҳида таъкидладилар. Хўжаликда ўтказилган Наврўз сайли Термиз отчопарида бўладиган байрам олдидан синов, холос. Мақсад — колхозчиларни амалдаги йилда кўтаринки руҳда меҳнатга даъват этиш. Жорий йилда пахтакорлар 1.320 гектар майдондан ингичка толали Термиз-16 навли уруғлик пахта етиштиришади. 70 гектар ерда дон учун маккажўхори экилади. Ҳозир ана шу экинлар экиладиган эгатларга сув таралмоқда. Чорвадорлар гўшт, сут етиштириш ва давлатга сотиш бўйича уч ойлик топшириқни ортиғи билан уддаладилар. Яйловларда тўл мавсуми муваффақиятли ўтаётир. Хуллас, Наврўзи олам хўжаликнинг каттаю кичигига оламолам қувонч келтирмоқда. Баҳорги юмушларни уюшқоқлик билан ўтказишга илҳомлантираётир.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ТЎЙХОНАГА АЙЛАНДИ

Мен бу йил 101 баҳорни қаршиладим. 60 дан зиёд невара, чевараларим бор. Улар ҳамиша хизматимда. Байрам кунлари уйимиз тўйхонага айланади. Шодиёналар эса кўп. Улар ёнига яна Наврўз қўшилганлигини эшитиб бошим кўкка етди. Хайрият, бу азалий анъанамизни қайтариб беришди. У авлоддан авлодга ўтиб бораётган қадимий, табаррук удумларимиздан бири.

Эсимда. Мен ёш пайтимда Наврўзга алоҳида тайёргарлик кўриларди. Ҳовли-жой, маҳаллалар тозаланиб, ерлар чопиларди. Ҳамма бир-бирига яхшилик тиларди. Ёшлар озода кийиниб, кексаларни зиёрат қилишар, уларга иззат-ҳурмат кўрсатишарди. Қариялар эса ёшларга умр, оилада тотувлик, деҳқончиликка қут-барака тилаб, оқ фотиҳа беришарди. Дошқозонда сумалак қилиб улашиларди. Теварак атрофни кўкатлару сумалак ҳиди босиб кетарди.

Бизда куни кеча Наврўз байрами ҳар қачонгидан чиройли, шод-хуррамлик билан ўтказилди.

Орзихон ҒОИИБВОЕВА,
Наманган область Чортоқ районидаги «Октябрь» колхози.

ХОРАЗМДА ШОДИЁНА

Қадимий Хоразм элига табиатнинг эрка келинчаги — Наврўзи олам кириб келди. Дала-қирлар кўм-кўк либосга бурканиб, боғ-роғлар файзга тўлмоқда. Воҳа шаҳар ва қишлоқларида Наврўз шодиёналари бошланиб кетди. Дошқозонлар осилиб, сумалак пиширилмоқда. Ёшъяланглар, пири бадавлат қариялар давра-давра бўлиб хурсандчилик қилмоқдалар, элнинг ардоқли байрами Наврўзни қутламоқдалар. Айниқса, Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхознинг Наримонов участкасида ўтказилган Наврўз шодиёналари барчада катта таассурот қолдирди. Бу ерда омоч билан ер ҳайдашдан тўртиб от-аравада келин келтириш, полвонлар мусобақаси ҳамда масхарабозларнинг чиқишлари, қўчқор уриштириш томошалари ташкил этилди. Наврўз дастурхонига баҳорнинг тансиқ таомлари — сумалак, илдирма, кўк барак тортилди. Улкан дошқозонларда палов пиширилди.

Ана шундай халқ сайллари хўжаликнинг «Қизил милиция», «Ленин йўли», «Коммунизм» участкаларида ҳам бўлиб ўтди.

Қутлуғ айём муносабати билан воҳада катта ҳажмда ободончилик ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилда минг гектардан зиёд боғ-роғлар барпо этилади. Шаҳар ва район марказлари, йирик аҳоли пунктларида янги гулзор ҳамда хиёбонлар вужудга келтирилаяпти. Бир сўз билан айтганда, воҳада Наврўзи олам кенг тантана қилиниб, дилларга қувонч ва сурур бахш этмоқда.

Ҳ. РАҲМОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Элга хизмат—олий ҳиммат

ЧОЙХОНАДА ГУРУНГ

Наврўз бутун борлиқ янгиланадиган, ўзгарадиган ажойиб палла бўлиши билан бирга кўпгина хайрли ишларнинг дебочасидир. Халқимиз бундай дамларда янги-янги ҳаракатларни, ташаббусларни бошлашга одатланган. Шунингдек, Наврўзи оламни ўзига хос туҳфалар билан кутиб олиш ҳам яхши удум бўлиб қолган. Баҳор шодиёнаси кунларида Яккабоғ районий марказида миллий меъморчилик услубида қурилган кўркам ва шинам чойхона-ошхона фойдаланишга топширилди. Халқимизнинг азалий байрами тикланиб, у ғоят эъзозланаётганлиги ва катта эътибор берилаётганлигининг рамзи сифатида бу масканга «Наврўз» номи берилди. Бир йўла 150 кишига хизмат кўрсатиш мумкин бўлган мазкур умумий овқатланиш шохобчасини район матлубот жамиятлари уюшмаси қошидаги қурилиш кооперативи бунёдкорлари барпо этдилар. Тажрибали мутахассис Карим Абраев раҳбарлигидаги бу ташкилот ҳар бир ишни тез ва соз адо этиши, миллий меъморчилик анъаналаридан унумли фойдаланиши билан ҳурмат-эътибор қозонмоқда. Кооператив бинокорлари янги масканни муддатидан тўрт ой олдин фойдаланишга топширганликлари, уни қуришда ёғоч, ганч ўймакорлигидан кенг фойдаланганликлари, барча ишларни дид билан адо этганликлари туфайли яна бир карра эл назарига тушдилар.

— Чойхона қадим-қадимдан халқимизнинг энг севимли даргоҳи бўлган, — дейди қурилиш кооперативи раиси Карим ака Абраев. — Бу ерга одамлар фақат чой ичиш, овқатланиш учун эмас, балки бир-бирлари билан дийдорлашиш, суҳбат қуриш, янгиликлардан хабардор бўлиш учун келишган. Турли тадбирлар ўтказиш одат бўлган. Бир сўз билан айтганда, чойхона маданий-маърифий ишларнинг маркази. Анча йиллар давомида шундай масканларга эътибор берилмай келинди, оқибатда халқимизнинг ажойиб анъаналарига путур етди. Ҳозирги пайтда миллий урф-одатларимиз қадрланаётгани, шу жумладан кўркам, кенг чойхоналар қуришга аҳамият берилаётгани одамларни ғоят мамнун этаяпти. Бинокорларимиз бу ишга ўз улушларини қўшаётганликларидан мамнунлар. Шунинг учун ҳам мазкур маскан кишиларга маъқул бўлиши учун барча маҳоратларини ишга солдилар. Ҳамма нарса — нақшинкор устунлар, бўёқ билан туширилган тасвирлар, ёғоч каравотлар, хонтахталар — барча-барчаси қадимий анъаналаримиз руҳида бўлишига астойдил ҳаракат қилдик. Район марказидаги болалар боғида ҳам яна бир умумий овқатланиш шохобчасини муддатидан илгари қуриб, фойдаланишга топширдик. Бинокорларимиз тез, сифатли ишлаётганликлари кўп жиҳатдан уларни моддий рағбатлантириш яхши эканлиги билан боғлиқ. Биз барча юмушларни давлат ташкилотлари учун белгиланган нархларда адо этаяпмиз. Шундай экан, қурувчилар юқори маош олаётганликларининг сири нимада, деб сўрашингиз табиий. Бунинг боиси асосан бошқарув ходимлари озлиги, ички хўжалик ҳисоби йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади. Кооперативимиз идорасида атиги беш киши ишлайди. Коллективимиз ўз фаолиятини шундай давом эттириб, Яккабоғ районини чиройига чирой қўшишга азму қарор қилган.

Янги масканда одамларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Йигирма нафардан зиёд ходим ишлаётган чойхона-ошхонада турли-туман миллий таомлар тайёрланмоқда. Бу ерда йилига 420 минг сўмлик хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

— Дастлабки ўн кунлик натижалари белгиланган топшириқ ошириб бажарилишидан далолат бермоқда, — дейди Яккабоғ район матлубот жамиятлари уюшмасига қарашли умумий овқатланиш корхонаси директори Турсун Мейлиев. — Бу ерга қадам ранжида қилган кишининг баҳри-дили очилади. Шундай шохобчаларни янада кўпайтиришга эътибор бераяпмиз. Яқинда «Ленин учқуни», «Қизил юлдуз» колхозларида умумий овқатланишнинг янги тармоқлари ишга туширилди. 80-ремонт-қурилиш бошқармаси қурувчилари район марказида 50 ўринли шохобчани қуриб, фойдаланишга топширдилар. Хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш учун умумий овқатланиш тармоқларини кенгайтириш билан бирга корхонамизга қарашли қандолатчилик цехи маҳсулотлари хилини оширишга эътиборни қаратаяпмиз. Тўра Тўхлиев етакчилигидаги бу коллектив новвот, парварда, ҳолва, нишолда сингари ўн бир турдаги ноз-неъматларни ишлаб чиқармоқда. Шу цехда йиллик маҳсулот ҳажмини 400 минг сўмликдан ошириш режалаштирилган. Бундай тадбирлар ҳисобига корхонамизда хизмат кўрсатиш миқёслари тобора ошиб бормоқда. Ўтган йили 2 миллион 700 минг сўмлик савдо қилинган бўлса, 1990 йил шу кўрсаткични 3 миллион сўмликдан оширишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бунинг учун бўлинмалар ўртасида ўзаро беллашув йўлга қўйилган. Ноила Ҳалимова, Мамади Раҳматов, Аҳмад Бобоқуловлар етакчилигидаги умумий овқатланиш шохобчалари коллективлари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Эл-юрт эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун бундан кейин ҳам ички имкониятларни ишга солаверамиз.

С. ХЎЖАЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Яккабоғ районн марказида яқинда фойдаланишга топширилган «Наврўз» ошхона-чойхонаси. 2. Пазанда Моҳира Шерназарова.

М. КОМИЛОВ олган суратлар.

МУДОМ БОР БЎЛ

Ўлкамизда тароватли фасл шабадаси эсмоқда. Бу баҳор шабадаси бугун ўзгача. Бу — янгиланиш, яшариш, гўзаллик оламига қадам ташлаш, шаҳар-қишлоқларга Наврўз кириб келганидан далолат. Қадим-қадимдан айнан шу куни азамат бободеҳқон ўз даласига шаҳдам-шаҳдам қадам ташлаб, ерга меҳр уруғини қадайди. Орзулари амалга ошишига ишонч ҳосил қилади.

Ўзбек халқининг қадим-қадимдан удум бўлиб келаётган ажойиб одатлари бор, Улуғ айём кунлари ҳамма бир-бирини меҳрибонлик, очиқ табассум билан қутлайди. Ёру дўстлар узоқ-яқин танишларига омон-эсонлик тилайдилар.

Наврўзи олам ташриф буюрди. У республикамиз бўйлаб сайр этиб, ҳар бир хонадонга серфайз қут-барака инъом этмоқда. Бунда теран рамзий маъно бор. У келтирган тинчлик ва адолат ҳамма жойларда одамларга осойишталик, хуррамлик, фаровонлик бахш этмоқда. Шу боисдан Тошкент вилоятининг Пискент ноҳиясида ҳам Наврўз кенг нишонланди. Соат 12 да эрталабдан ёғаётган қорга қарамасдан район меҳнаткашлари — уста пахтакор, чорвадор, соҳибкорлар бу айёмни кенг нишонлаш учун стадионга йиғилдилар. Меҳнаткашларни область партия комитетининг иккинчи секретари В. Г. Гришчук, ноҳия партия комитетининг биринчи котиби Г. Холбоев ва бошқалар муборак Наврўз айёми билан қизғин табрикладилар. А. Икромов номли 6-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Марғуба Омонованинг майдонга тулпор от миниб кириши От йили келганлигидан яна бир бор далолат берди.

Карнай-сурнай, ноғоралар оҳангидан таралган куйлар Наврўз кириб келганидан хабар берди. Пискентда Наврўз байрамига Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, республикада хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова бошчилигидаги «Лазги» ансамбли солистлари файз киритдилар. Тўпланганлар Калинин ноҳияси маданият-оқартув уйининг Баҳриддин Каримов бошчилигидаги дорбозларнинг ҳар бир чиқишини қизғин кутиб олишди. Икки ярим яшар Давронбек Каримов дор устида ҳозир бўлганида, уни ҳамма узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олди.

Наврўз сайлларида районнинг барча маданий-оқартув, ҳунар-техника билим юртлари бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Район комсомол комитетининг ходими Раъно Фозилова ўзи тайёрлаган 6,5 килограммли «Дўстлик — тинчлик» деб номлаган тортни меҳмонларга тақдим этди.

Ҳамма чин дилдан нишонланган Наврўз халқ байрамида республикамизда яшаб, истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари фаол қатнашдилар.

У. МУҲАМЕДОВ.

ДЎМБИРА ДАВРАГА ЧОРЛАЙДИ

Автобусдан тушиб, ёлғизоёқ йўлдан она қишлоғим томон борарканман қалбимни илиқ ҳислар чулғайди. Ён атрофга боқиб тўймайман: кўм-кўк майсалар, чамандек гуллаган ўрикзорлар руҳ бағишлайди. Ҳар йили Наврўз байрами ёхуд халқ сайлларида қатнашмоқ учун Дархонкўлда бўлганимда элатдошларим зўр ҳурмат, эҳтиром ила таърифлайдиган Эсон бобо Тилововни ёдга оламан.

Урушдан кейинги йиллар. Тирикчилик ўтказиш қийин, лаънати уруш ҳар бир хонадонга кўланка ташлаган. Ана шундай оғир дамларда Эсон оқсоқол бутун вужуди билан дўмбира чертиб, кишиларга руҳ ва мадад бағишларди. Бора-бора тўю тантаналар, халқ сайллари унинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Эсон ака дўмбира чертганида шикаста қалблардаги андуҳлар чекиниб, каттаю кичикда ишонч, иштиёқ уйғонарди. Бу истеъдод эгаси не-не қийинчиликларни бошидан кечирмади. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам қўлидан дўмбирасини қўймади. Халқ дарди билан яшади, унинг мушкулини осон қилишга қўлидан келганча ҳаракат қилди.

Қашқа воҳасининг Яккабоғ даҳасида ҳам Совет ҳокимияти ўрнатилди. Эсон Тиловов 35 ёшлар, атрофида бўлса-да эл-юрт оқсоқоли саналарди. Тиниб-тинчимас қалб соҳиби фаоллар билан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди. Одамларнинг тинч-тотув яшашлари учун отахонлар билан ҳамжиҳатликда иш юритди. Қурғоқчилик халқнинг тинкасини қуритган кезлари қишлоқма-қишлоқ юриб дўмбирасини сайратди. Одамларга маънавий озиқ берди. Оқшом кўнгли дегунча ҳамқишлоқлар бир ерга йиғилиб, Эсон оқсоқол истеъдодидан баҳраманд бўлишарди.

Кутилмаганда Жабборбек бошчилигидаги босмачи галалари Чўлқудуқ, Дам, Қирғиз, Уланжи, Дархонкўл, Чим, Чайдари қишлоқлари аҳолисига тинчлик бермай қўйди. Улар қишлоқларга ўт қўяр, оқсоқоллардан солиқ йиғишни талаб қилишарди. Қўрбоши неча бор Эсон оқсоқолни ҳузурига чақиртириб, ҳамқишлоқларига солиқ солишни буюрди. Бу тинка мадори қуриган халқни ўлимга маҳкум этиш билан баравар эди. Эл оғаси босмачилар буйруғини бажармади. Ғазабланган Дам қишлоғининг гумаштаси Шаманқора бошчилигидаги тўрт навкарни Эсон оқсоқолни жазолашга юборди. Ярим кеча, ҳаво дим. Қишлоқ узра чўккан сукунатни итларнинг ҳуриши бузиб турарди. Ой нурида тўрт отлиқ элас-элас кўзга ташланади. От туёқларининг дупур-дупурини эшитган Эсон оқсоқол хавфни сезиб, муҳофазага шайланди. Шунда босмачилар макр йўлига ўтишди: Жабборбек билан алоқани узганликлари, Чайдари қишлоғидаги эл кенгашига бориши кераклигини айтишди. Қаршилик кўрсатиш бефойда, бироқ йўлда каллакесарлардан қутулишнинг иложини қилиш мумкин. Э. Тиловов саманига миниб йўлга тушди. Қизиқ, шу тобда негадир кўз ўнгида полвонкелбат бўлиб қолган ўғли Иброҳим, жажжи қизалоқлари Норсулув ва Жумагул гавдаланди. Ҳушёрлик билан ён атрофга назар солди. Фурсат бўлди дегунча саманига қамчи урмоқчи эди кечикди: Шайманқора қўлидаги қилич зимзиё тунда ярақлади. Эл оғаси икки кун темир йўл ёқасидаги сойликда ҳушсиз ётди.

— Фожиадан бизни хирмон қоровули Муртазо хабардор қилди, — деди Э. Тилововнинг қариндошларидан бири, партия ва меҳнат ветерани Т. Тоштемиров. — Аҳволи ниҳоятда оғир эди. Шаҳрисабздаги янги шифохонага олиб бордик. Қадрдонимиз у ерда бир ярим йил ётди. Шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолишди. Лаънати босмачилар Эсонжоннинг икки инисини ўлдиришди. Яна иккиси эса бедарак йўқолди.

Ветеран ҳикоясини тинглагач, нуронийнинг нима сабабдан гоҳида тонгда, баъзида оқшом чоғида юрак-бағрини нидога тўлдириб дўмбира чертишининг сабабини англагандек бўлдим.

Эсон Тиловнинг кейинги ҳаёти ҳам дархонкўлликлар тақдири билан чамбарчас боғлиқ. У маърифатни, янги ҳаётни куйлади. Биринчилардан бўлиб районда тузилган колхозга аъзо бўлиб кирди. Кетмон чопди, тегирмончи, темирчиликда ишлаб, хўжаликни оёққа қўйишга мадад берди.

Эллигинчи йилларда ҳамқишлоқларимнинг бирдан-бир овунчоғи бахшилардан термалар, отинбибилардан достон, Эсон оқсоқолдан куйлар эшитиш эди.

Ажойиб инсон, ўзбек дўмбирачисининг номи эл-юртга танилди. 1958 йилда махсус фольклор экспедицияси Эсон бобо Тиловов ижро этган дўмбира мусиқаларини магнит лентасига ёзиб олди. Профессор Ф. Кароматов «Ўзбек дўмбираси мусиқаси» номли китобини эълон қилди. Олимнинг таъкидлашича, Қашқадарё дўмбира мусиқаси ўзбек халқ чолғу асбобига монанд бўлиб қозоқ ва қирғиз миллий дўмбирачилигидан фарқловчи ўзига хос хусусиятга эга. Эсон бобо ижро этган «Бойимча чертиш», «Ошиқ куй», «Келиной», «Қиз сулув», «Давра чертиш» куйлари халқ ўртасида кенг тарқалган.

Эсон оқсоқол умрининг охиригача дўмбира чертди. Ўз халқининг орзу интилишларини куйлади. Мана бугун севимли қишлоғида Наврўзи олам нафаси кезмоқда. Қаердадир яқин ўртада дўмбира садолари янграмоқда. У барчани халқ сайлига чорламоқда. Ҳа, устознинг санъати шогирддан шогирдга ўтиб, халққа хизмат қилаверади!

Д. ТЎРАЕВ,
филология фанлари номзоди.

Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан

ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхозда яшовчи Турғун Маматовни маҳаллада ўтказилаётган тўй-маъракаларда, қариялар гурунгида, ёшлар даврасида тез-тез учратиш мумкин. Каттаю кичик отахонни беҳад ҳурмат қилади. Бундай иззат-эҳтиромнинг боиси бор. У ўзининг ўтган умрини, куч-қувватини халқ хизматига, Улуғ Ватан уруши даврида мамлакатимизни душмандан тозалашга, тинч қурилиш йилларида ёш авлодни билимли қилиб тарбиялашга сарфлади.

— Ҳукуматимиз бироз қаддини ростлаб, одамлар турмуши яхшиланаётганда тўсатдан бошланган уруш ҳамма нарсани алғов-далғов қилиб юборди, — дея эслайди отахон. — Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, деганларидек, бир гуруҳ тенгдош йигитлар қатори мен ҳам Ватан ҳимоясига отландим. Биз тушган эшелон дастлаб Горький областига етиб борди. Шу ерда ҳарбий қасамёд қилдик. Сўнгра сафимиздаги бир неча йигитни полк мактабига ўқишга жўнатишди. Уни битирганлар қаторида менга ҳам сержант унвони берилиб, Калинин фронтининг 266-ўқчи полки ихтиёрига юборилдик...

Ўша кезларда оддий аскардан ҳам, генералдан ҳам жасорат талаб этиларди. Жанговар йўлини взвод командирлигидан бошлаган сержант Турғун Маматов кўплаб шиддатли жангларда қатнашди.

...1942 йилнинг кузи. Ёвуз душман билан тенгсиз кураш бораётган дамлар. Қалин ўрмонзор. Тўпларнинг даҳшатли наъраси, снарядлар портлаши дам-бадам эшитилиб туради. Чодирда жойлашган илк тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида аҳвол одатдагидек жиддий.

Ҳамшира оғзига томизган бир неча томчи таъсириданми, ярадор жангчи бироз ўзига келгандай бўлди. Аввал ютинди, кейин киприк қоқди. Ажабо, ҳеч нарса кўринмади. Нега кўзлари кўрмаяпти? Қаерда ётибди? Қўлларини аста қимирлатди. Сўнг секин ўрнидан қўзғалмоқчи эди, боши айланиб яна ҳушидан кетди.

Осколка учириб кетган бурни кеча операция қилиниб, юз-кўзи дока билан ўраб ташланганди. Турғун Маматов шу алпозда анчагача ётди. Ҳамшира дам-бадам оғзига сув томизарди.

У бир неча марта кўзини очишга уринди, лекин уддасидан чиқолмади. Шундагина ярадор эканлигини англади. Ўзи нима бўлди? Турғун юз берган воқеани бирма-бир эслашга уринди...

Ҳужум тонгга белгиланганди. Жангчилар туни билан мижжа қоқмай тайёргарлик кўришди. Дастлаб танклар майдонга кирди. Улар изидан пиёдалар қўзғалди. Олдинга интилаётган аскарларни кутилмаганда душман пулемётлари тўхтатиб қўйди. Ҳамма ерга ётиб олди. Кўтарилган бош ўққа учади. Танклардан бири қора тутунга ўралди, қолганлари тик баландликка чиқаверишда туриб қолди. Вазият оғир, жангчиларни ҳужумга бошлаш керак, акс ҳолда...

Шу пайт сержант Маматовнинг миясига бир фикр келди. У атрофга аланглаб, полк байроғини кўтариб юрувчи аскарни излади. У эллик қадамча нарида мук тушиб ётарди. Маматов ўша томонга илдам эмаклай кетди. Билсаки, ҳалиги жангчи душман ўқидан ҳалок бўлган, байроқни эса бағрига маҳкам босиб олган экан. Турғун байроқни даст кўтарганча ўрнидан туриб олдинга югурди ва «Олға, оғайнилар!» дея қичқирди.

Шамолда ҳилпираётган алвонранг байроқни кўрган жангчилар ҳужумга ташланишди. Тепаликни душмандан тозалай бошлашди. Олдинда бораётган сержант қўлидаги байроқни дўнгликка қўндираётганда тўсатдан кўзлари косасидан отилиб кетгандек туюлди. Боши айланиб, ҳушини йўқотди...

Турғун Маматов дала госпиталида даволангач, яна фронтга жўнади. Мамлакатимизнинг бир неча шаҳарларини озод қилиш учун бўлган жангларда, Белоруссия тупроғини душмандан тозалашда қатнашди.

Қадрдон қишлоғига қайтгач, ёш авлодни билимли қилиб тарбиялаш ишига ўз ҳиссасини қўшди. Ўттиз йилдан зиёд вақт давомида Тошкент районидаги Киров номли 9-ўрта мактабда ёшларга сабоқ берди. Мана, ўн уч йилдан бери жангчи-педагог қарилик гаштини сурмоқда. Отахон маҳалла-кўйнинг тўй-маъракасига, бошқа жамоат ишларига бош-қош бўлаяпти.

И. АЛИМОВ.

МАҲАЛЛАДА СУМАЛАК

Уйчи райони Ёркўрғон қишлоқ Советидаги Муборак маҳалласининг Сой участкаси кексалари маҳаллада сумалак пишириш ташаббускори бўлдилар. Наврўзнинг бу тансиқ таоми витаминга бойлиги, саломатлик учун фойдалилиги жиҳатдан тенгсиз.

Маҳаллада дошқозон ўрнатилди. Пенсионер онахонлар Турсунхон Ёқуббоева, Ҳабиба Исомиддинова, Турғунча Абдуллаевалар унинг атрофида парвона бўлишди. Сумалакка бағишланган тантанада баҳор тароналари янгради, рақсга тушмаган киши қолмади.

Мана, сумалик тайёр бўлди. Уни маҳалла аҳлига Тўхтахон Гадойбоева, Назира Хайруллаевалар тарқатишди.

СУРАТЛАРДА: карнайчилар маҳалла аҳлини Наврўзга чорламоқдалар; онахонлар сумалик пиширишаяпти.

А. ЮСУФБОЕВ олган суратлар.

МУБОРАК

Ўзбекистон, мудом
кўркамсан,
Ёқимлидир туну
кундузинг.
Букун кийган тўнинг
беқасам,
Кийинтирди сени
Наврўзинг:
— Янги куннинг муборак
бўлсин!

Шоирларнинг қаламин
йўниб,
Қўлларига қоғоз олмишлар,
Боларилар гулларга
қўниб,
Узоқ-узоқ боқиб
қолмишлар:
— Янги куннинг муборак
бўлсин!

Дилтортарсан йил-ўн
икки ой,
Юртлар ичра эй,
зебо Ватан!
Очмоқдасан йилдан-йил
чирой,
Оламда энг дилрабо
Ватан,
— Янги куннинг муборак
бўлсин!

Қирлар кўркин қилиб
намойиш
Дил хуморин ёзар,
тарқатар,
Майин еллар қилиб
навозиш
Қишлоқларга хабар
тарқатар:
— Янги куннинг муборак
бўлсин!

Бағринг кетди гулларга
тўлиб,
Боғ-роғларинг уфор
улашар.
Сенга боқар қуёш
жилмайиб,
Булбулларинг сайраб
қувнашар:
— Янги куннинг муборак
бўлсин!

Сени ватан қилган ҳар
шева
Букун ошкор этмоқда
розин.
Тингла энди, ёруғ
дунёда
Энг заҳматкаш
халқнинг овозин:
— Янги куннинг муборак
бўлсин!

Талъат СОЛИЕВ.

ТАРОВАТЛИ, ШАРОФАТЛИ

Наврўз келди. Борлиқ гуллар бўйи, наврўз иси билан тўлди. Бу ёқимли, кўнгилга хуш ҳиднинг сабаби нима ўзи? Балки бу Ҳамал буржига яқинлашган она заминy халқимизнинг минг йиллик дармондориси сумалак бўйидир! Эҳтимол бу ялпизлар, турфа хил майсалару анвойи чечаклар ҳидидир! Ёки бу баҳор ёмғирининг маъсум томчилари бўйимикин?

Борлиқ завқ-шавққа тўла. Чор атрофдан келаётган бўйлар юракларни қитиқлайди, бемор таналарга қувват, умид, шоирларга илҳом бағишлайди, севгига чанқоқ кўнгилларга оташ солади. Наврўз тароватидан айниқса булбул маст. Ошиқ жониворнинг муштдек вужудию тирноқча юраги яна ҳаяжонда. Ўзи ва ўзлигини унутиб, Наврўз шаънига достон ўқиш билан машғул. Саҳий қуёш сирли бу ҳодисалардан мамнунлигини яширолмай жилмаяди. У Ҳамал буржига ўтиши билан юртимизга Наврўз ташриф буюрди. Унга интиқ қиз-жувонларнинг шодон куйлаган дил наволари фусункор табиатнинг сеҳрли гулшанлари-аро майин таралади:

Бойчечак чиқибди,
бугун Наврўз экан,
Ҳамма бир-бирига
жигар сўз экан,
Олам ҳам баробар
кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди,
бугун Наврўз экан!

Марҳабо, Наврўзи олам! Қадамларингга ҳасанот! Ҳимматинг, саховатинг, халқимизнинг эзгу удумларини ўзинг билан бирга бошлаб келганинг учун минг-минг ташаккур сенга! Серфайз далаларимиз, боғ-роғларимиз, адир-қирларимизда ям-яшил гилам сифатида намоён бўлдинг, одамлар оёғи остига тўшалдинг.

Наврўзи олам, саҳийлигинг, саховатинг бетимсол. Одамлар қалбига садоқат, эзгулик, ҳалоллик, раҳмдиллик туйғуларини жо қил! Лоқайдлик, бефарқлик иллатларидан ҳалос эт!

Наврўзи олам! Сен кириб келдинг-у турфа гиёҳу майсалар қопламоқда ер бетини. Гуллар, чечаклар очилмоқда, қушлар шодон сайрамоқдалар. Сенинг мурувватинг билан мевали дарахтлар гулламоқда. Кўп ўтмай ердан чигитлар униб чиқади, янги уйларга пойдевор қўйилади, гўзал келин-куёвлар бахти учун фотиҳа ўқилади. Сенинг мурувватинг билан ўлкамиз ям-яшил чаманзорга айланади, дастурхонларимиз ширин-шакар меваларга тўлади. Ҳовли тўйларида қувнаймиз, «инга-инга»си сенга шукронадек янграётган чақалоқлар билан бир-бирimизни муборакбод этамиз.

Ҳа, Наврўзи олам, сен тириклик, бахт, ҳаёт, меҳнат, гўзаллик, мўл-кўлчилик ва сероблик хабарчисисан! Буларнинг ҳаммаси учун сенга ташаккур айтиб, таъзим қиламиз!

Наврўзи олам! Қалбларимизга қувонч бағишлаб, виждонимизни беғубор қилиб, севги, садоқатимизни билмоқ бўлиб, жумҳуриятимизнинг қишлоқларига, серфайз ҳовлиларимизга хуш келдинг! Турмушимиздаги ғуборларни ёмғирларинг билан юв. Баҳорий насиминг турғунлик гардларини учириб кетсин. Сенинг мурувватинг билан қиш рутубатидан зада бўлиб, димиққан сонсиз уруғлар ер бағридан униб чиқмоқда. Улар замин жамолини очади. Илиқ нафасинг барчага тенг. Ундан ўсимликлару жонзотлар баҳраманд бўлмоқда. Истардимки, бу йилги ташрифинг одамлар қалбига фақат яхшилик уруғларини сочсин. Меҳр-оқибат, дўстлик, қардошлик, ҳалоллик, меҳнатга муҳаббат, шафқат ва мурувват, саховат ва одиллик нелигидан бехабар кўнгилларда ҳам туйғулар жўш урсин. Порахўрлик, чайқовчилик, юлғичлик, бўҳтон, ўғирлик, адоват, мансабпарастлик, бузуқлик каби иллатлар мудом йўқ бўлсин. Одамлар дилхираликлар, ёмон одатлардан абадул-абад фориғ бўлсинлар.

Юртимизга хуш келибсан, мўъжизакор Наврўзи олам!

Гилфан МИНКИН,
Наманган вилояти Учқўрғон ноҳиясидаги Ҳамид Олимжон номли 32-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ТАРИХ ДАРСИ МУЗЕЙДА ЎТДИ

Пахтаобод районидаги 4-мактаб ўқувчилари тарих дарсларини тинглаш учун ўзларининг тарихий-ўлкашунослик музейларига келадилар. Бу музей педагоглар ва мактаб ўқувчиларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан бунёд этилган. Музей тўртта катта бўлимдан иборат бўлиб, улардаги экспонатлар район тарихи, пахтаободликлар тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

Музейнинг бутун бир бўлими шу райондан ҳарбий хизматга чақирилиб, Афғонистон тупроғида ҳалок бўлган 24 нафар байналмилалчи жангчига бағишланган. Уларнинг полкдошларидан олинган хотира сўзлари ҳам, шахсий буюмлари ҳам, жанговар мукофотлари ҳам шу ерда тўпланган.

Шу ерда яшаб ўтган Ҳабибий, Анисий, Сайфий каби танқли шоирларнинг, бошқа адабиёт ва санъат арбобларининг ҳаёти ва ижодига бағишлаб махсус стендлар жиҳозланган.

Янги музей экспонатлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Сўнгги топилмалар орасида асримиз бошидан қолган уй-рўзғор буюмлари, кўҳна китоблар, солдат мактублари ва Улуғ Ватан уруши даврига тааллуқли бошқа эсдаликлар бор.

ҲАРБИЙЛАР МУРУВВАТИ

Фарғона гарнизони қўмондонлиги офицерлар клуби биносининг бир қисмини болаларга совға қилишга қарор берди. Энди бу ерда область пионерлар саройи очилади. У шу вақтга қадар эски ва мослаштирилган бинода ишлаб келаётган эди.

Фарғона область ижроия комитети бинони ремонт қилиш, тўгарак ишлари ва спорт секциялари, шунингдек компьютер клуби машғулотлар ўтказиши учун унинг ёнида қўшимча бинолар қуриб беришни ўз зиммасига олди.

(ЎзТАГ).

ДИЛЛАР ҲАМ УЙҒОНДИ

Асаканинг шамоли адирлардан ошиб майсалар ҳидини таратди. Олмазор, ўрикзор, шафтолизорлар юрт чиройига чирой қўшди. Файзобод қишлоғининг шундоққина тепасида, адирга туташ жойда бир маскан олис-олислардан меҳрингизни тортиб туради. Пойида Шаҳрихонсой кумуш камардек ялтирайди. Чаман гуллаган ўрикзор ичидаги бу оромгоҳга 1-область болалар санаторийси жойлашган. Болалар дунёси билан шуҳрат топган бу даргоҳда тўрт врач, қирқ нафар тиббиёт ҳамшираси, ўндан зиёд ўқитувчи ёш авлод саломатлиги, билимига посбонлик қилади. Ҳозир бу ерда Андижон областининг турли район, шаҳар, қишлоқларидан келган 160 нафар ўғил-қиз дам олмоқда, даволанмоқда, ўқимоқда. Куни кеча нишонланган Наврўз тантаналари бу ерда ҳар бир ёш кўнгилни яйратди.

Шифокорлар, тарбиячилар, болалар санаторий оғушини шуурга тўлдирдилар. Қўшиқ, куйлар дил сўзлари билан баҳор байрамини қутлашди. Эрталабданоқ кўклам неъмати — сумалак пиширишга киришилди. Рўзихон Собирова, Кимёхон Назарова, Озодахон Жалолова, Кароматхон Мингбоева дошқозонда сабр-тоқат билан таом пиширишди. Уни қандай тайёрлаш ҳақида сўзлаб, амалда кўрсатиб беришди. Эрта тонгдан бошлаб Наврўз таомлари тайёрланиб, дастурхонга тортилди. Чинни косаларда ҳақиқдай сумалак улашилди. Кўк сомса, кўк чучвара, патир, қатламалар дастурхонга зийнат киритди. Йиғилганларни санаторий бош врачи Маҳбубахон Ҳамидова, шифокорлардан Олимжон Сотиболдиев, Маҳмуджон Ёқубов, тарбиячилардан Раиса Нуриддинова, Равшаной Абдусаломова қутлуғ айём билан қутладилар. Ғофиржон Маматов бошчилигидаги мусиқачилар табриги кўклам нафасига уланиб кетди. Бокира овозлар билан шеър ўқишлар, қўшиқ хонишлари қир-адирларни тутди. Интермедиялар ижроси ҳаммани қалқитди.

Санаторий бош врачи Маҳбубахонни суҳбатга ундайман.

— Наврўз табиатнинггина эмас, — дейди у қувончларини яширмай, — инсоннинг ҳам уйғониш фаслидир. Диллар уйғонади, кўнгиллар яшаради, орзулар қанотланади. Ҳаётга ошиқлик кучаяди. Мақсад байрам қилишгина эмас, балки ёш авлодга ота-боболаримизнинг қадимий удумларини мерос қолдириш. Меҳнатда, гўзалликда инсонийликка меҳрини оширишдир. Гўзалликни севган инсондан эса ёмонлик келмайди.

Даволанаётган ўқувчилар давраси тобора кенгайиб борарди. Микрофон ёнига марҳаматлик 7-синф ўқувчиси Нилуфар Ашурова яқинлашди. Унинг Наврўз ҳақидаги қўшиғига бошқалар жўр бўлишди. Избосканлик Моҳичеҳра Қосимова басма-бас куйлай бошлайди. Сочига толпопук таққан андижонлик 9-синф ўқувчиси Наргиза Нуриддинова, советободлик Нилуфар Иброҳимова «Баҳор вальси»га рақсга тушдилар. Катталар ҳам болалар даврасига аралашиб кетишди.

Интермедия ижросидан аввал Наргизани саволга тутдим. Унинг ҳаяжони ҳамон босилмаган.

— Наргиза, Наврўз байрамига тайёргарлик давомида нималарни ўргандинг?

— Сумалик учун буғдойни қандай ундиришни, кейин пиширишни ўргандим.

— Яна-чи?

— Кўк сомса, кўк чучварага масаллиқ тайёрлашни...

— Бу йилги Наврўз сенга ёқаяптими?

— Жуда. Бувиларимдан қадимги қўшиқларни ёзиб олдим. Шу ерда саҳналаштирилган интермедияда Баҳор ролини ўйнадим. Бош пионервожатийимиз Зиёвиддин Маҳмудов катта ёрдам берди. Соғлиғим ҳам бирдан яхшиланиб кетгандай.

Ҳа, санаторийда Наврўзга бутун жамоа тайёрланди. Таомлар пиширишдан ташқари ранг-баранг мавзуда дам олиш программаси тузилди, концерт репертуари танланди. Ҳар ким ўз санъатини намойиш этишга шайланди ва шундай бўлди.

Байрамга бағишланган «Иқбол» конкурси ҳам барчанинг ёдида қолди. Орзулар, ширин туйғулар кўклам ҳавосидай му саффолашди, ариқ лабидаги ялпиздай муаттарлашди. Ҳамширалар Роза Худойбердиева, Маҳбуба Ражабова, Малика Холмирзаеванинг бир оғиздан айтган гаплари дилга илиқлик солади:

— Наврўз келаверсин. Одамлар умри ҳам баҳордай яйрабяшнайверсин.

Тарбиячи Ҳурматой Усмонова табригини ҳам баҳор гулларидай кутиб олишди. У қутловни шундай якунлади:

— Бор бўлсин баҳор, бор бўлсин инсон, яшасин гўзаллик!

Наврўз байрами болалар санаторийсидагина эмас, Андижоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида, колхоз ва совхозларида, саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларида ана шундай дилбарлик, ҳаяжон ва қувонч билан ўтаётир.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СПОРТ АХБОРОТИ

ФУТБОЛ

Биллур соврин — мамлакат кубоги учун навбатдаги чорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Москвада пойтахтнинг «Локомотив» ва «Торпедо» командалари ўзаро куч синашдилар. Ҳисобни 44-минутда «Локомотив» ярим ҳимоячиси Гаврилов очди. Танаффусдан кейин Сухов автозаводчилар дарвозасига иккинчи тўпни (81-минут) киритди. Пировардида 2:0 ҳисобида ғолиб чиққан «Локомотив» кубок учун курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Металлист» (Харьков) ўз майдонида Киев динамочиларини қабул қилиб, 0:1 ҳисобида мағлубиятга учради. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва) командалари ўртасидаги учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтида ҳисоб очилмади. 11 метрли жарима тўпларни дарвозага йўналтиришда омад москваликлар томонида бўлди — 5:4.

* * *

Мавсумга қизғин тайёргарлик кўраётган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси республика ёшлар терма командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Қибрайда (Тошкент области) бўлган матчда пахтакорчилар 5:1 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

ТЕННИС

Американинг Ки-Бискейни шаҳрида (Флорида штати) халқаро мусобақа давом этаяпти. Унда мамлакатимиз шарафини калининградлик А. Волков муваффақиятли ҳимоя қилмоқда. Александр учинчи босқичда америкалик Ричи Ренебергни енгди — 6:3, 3:6, 6:3.

Швециялик Стефан Эдберг исроиллик Амос Мансдорфдан устун келди — 6:2, 6:1.

ДЗЮДО

Берлинда (ГДР) халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Турнир якунида грознийлик Башир Вараев ва махачқалъалик Нурмагамед Алиев ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилишди. Куйбишевлик Сергей Косоротов кумуш медални қўлга киритди.

СУЗИШ

«Комсомолец Узбекистана» газетаси соврини учун ўтказилган мусобақалар якунланди. Пойтахтлик Дмитрий Паньков 200 метрга эркин усулда сузишда ғолиб чиқди. Унинг ҳамшаҳри Стас Вечеркин эса 100 ва 200 метрли масофага чалқанча сузишда марра чизиғида биринчи бўлди.

50 метрга эркин усулда сузишда пойтахтлик А. Грубер зафар қучди. 100 метрга брассча сузишда учқудуқлик Н. Самойленкога тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, тошкентлик О. Александров (200 метрга брасс усулида) ва А. Битяев (100 метрга баттерфляй усулида) ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилишди.

БОКС

Ангренда ўтказилган Бутуниттифоқ биринчилиги март ойи охирида Қарағандада бошланадиган мамлакат чемпионати олдидан ўзига хос кўрик бўлди. Мусобақада 43 шаҳардан келган 230 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Айниқса, тошкентлик чарх қўлқоп усталари А. Ҳайдаров (46 килограммгача), А. Утепов (50), Ҳ. Зокиров (60) ва И. Габдураҳмонов (74) ўзларини кўрсатиб, мусобақа ғолиби бўлдилар.

Ангренлик Ш. Шердилов ва тошкентлик Р. Абдумажидов кумуш медални қўлга киритишди, Андижонлик У. Ҳайдаров, У. Тўхтасинов, Д. Иванов ва тошкентлик П. Черноморoз ўз вазнларида учинчи ўринни эгаллашди.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 24 март, шанба куни чиқади.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЁҚУБОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

23 МАРТ, ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 Ангрен шаҳар болалар ҳаваскорлик цирк коллективининг чиқиши.
12.10 «Черянки яқинидаги хуторда». Телефильм.
12.40 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.

* * *

17.30 «Абдулла Қаҳҳор». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қуённикида ҳовли тўйи», «Қувиш». Мультфильмлар.
18.30 «Ҳуқуқ бизнинг ҳаётимизда». Ҳуқуқий умумтаълимни ташкил этиш.
19.00 «Деҳқон юмушлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Унутилмас сатрлар». Фурқат.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Камолот сари». Салоҳиддин Лутфуллаев, Гавҳар Аминова.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Одобнома».
22.15 «Гаровга олинган бек». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
23.30 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Қоялар чорлайди». Телефильм.
19.30 «Юлька». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Юмушларимиз доираси».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Контакт». Телетомошабинларнинг саволларига олий ўқув юртларининг раҳбарлари жавоб берадилар.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Малика-қурбақа». Мультфильм.
9.35 «Йил фасллари». Март.
10.35 «Ўтмиш ҳали олдинда». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.05 «Россия» рақс ансамблининг концерти.
11.45 «Мариам ва Тадеуш». Телевизион ҳужжатли фильм.
12.05 Владимир Познер «Донахью ва болалар» программасини таништиради.
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 «Ҳаётга қайтганлар». Ҳужжатли фильм.
14.00 «Шаҳрим куйи». Фильм-концерт («Экран»).
14.30 «Уйин». Бутуниттифоқ «Орленок» ҳарбий-ватанпарварлик ўйини ҳақида ҳужжатли фильм.

* * *

17.00 Г. Веревка номли Давлат хизмат кўрсатган украин академик халқ хори иштирокида фильм-концерт премьераси.
17.40 «Қувноқ стартлар».
18.25 «Қатъий режим зонасида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ҳарбий-денгиз флотида қайта қуриш заруряти тўғрисида (Мурманск).
18.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Мультфильмлар: «Инжиғойим», «Типратикан қандай қилиб пўстинини алмашди».
20.00 Сиёсий мулоқотлар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини муҳокама қиламиз.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.30 «Нигоҳ».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман!», Киножурнал. 187 ва 189-сонлари.
9.35, 10.35 Мусиқа, 3-синф. Э. Григ. «Пер Гюнт».
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 География. 6-синф. Оби ҳаво.
12.05 «Онам, дадам ва мен».

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Бонивур қалби». 4-серия.
14.00 «Кишиларга қувонч бағишлаб». Помидор етиштиришнинг янги усуллари ҳақида телеочерк.
14.10 Болалар учун фильм. «Инглиз тилидан таржима» («Экран»).

* * *

17.30 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси. Ўзбекистон телевидениесининг программаси. Тошкентдан кўрсатилади.
18.20 Доғистон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 **СССР Олий Советн сессиясида.** Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Пашша-ойпошша».

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27-, 32-54-41, Масъул котиб. — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлимлари — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р. — 02171. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1162. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12